

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИНГ
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ
ИННОВАЦИЯЛАР”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

проф. Б.Х.ХОДЖАЕВ

2017 йил

**“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ИННОВАЦИЯЛАР”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили ва адабиёти
Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар:

Холманова З.Т,
ТошДЎТАУ “Ўзбек тилини ўқитиш методикаси” кафедраси
профессори, филол.ф.д.

Юсупова Р.Д,
ТошДЎТАУ “Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослиги” кафедраси, филол.ф.н.

Такризчи:

Менглиев Б.Р,
ТошДЎТАУ профессор, филол.ф.д.

Никадамбаева Ҳ,
ЎзМУ география факультети п.ф.н. доц.

Ўқув -услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ Кенгашининг 2017 йил 26 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	12
IV. КЕЙСЛАР БАНКИ	68
V. МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ	71
VI. ГЛОССАРИЙ	72
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	77

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар” фанини ўқитишдан **мақсад** – тингловчиларда ўқитишнинг энг қулай, замонавий метод ва усулларида таълимнинг турли босқичларида фойдалана олиш бўйича, касбий фаолияти ҳақидаги дастлабки билимлар билан қуроллантириш; кўникма ва малакасини шакллантиришдир.

Фаннинг **вазифаси** – тингловчиларга ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг инновацион технологияларининг илғор ютуқларини, амалда бадиий асарни таҳлил қилиш, билимини баҳолашнинг замонавий тизимлари, шунингдек, дарснинг илмий-назарий асосларини ўрганиш; ўзбек тили ва адабиётига оид дарс ҳамда синфдан ташқари машғулотларни ташкил этишнинг назарий-методик асосларини ўрганиш; оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини такомиллаштириб бориш йўллари ҳақида маълумот бериш, уларда дастлабки касбий – педагогик ҳамда методик кўникма ва малакаларни шакллантириш, ўзбек тили ва адабиёти дарсларининг тарбиявий таъсирини ошириш, бадиий асарни лингвистик ва адабий таҳлил қилишнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш, ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини англай олиш, дарсда қўллаш зарур бўлган кўргазмали қуроллардан (жадвал, харита, расм, радиола, магнитофон, видео глаз.) фойдаланиш, ўзбек тили ва адабиёт ўқитиш методлари ёрдамида ўқув

жараёнини ташкил этиш, мустақил ижодий фикрлаш қобилияти, китобхонлик маданиятини камол топтиришга ўргатишдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- ўқитишнинг барча усулларида унумли фойдаланиш, оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштириб бориш, янги таълим мазмунини эски усул билан бериб бўлмаслигини англай олиш, янги таълим асосида адабий асарларни ўрганиш, ўзбек тили ва адабиёти ўқитишда талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини ўстириш; дарс жараёнига қўшимча адабиётларни, янги ахборот ҳамда турли технологиялар ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим;

- ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг инновацион технологияларининг моҳияти ва принципларини ўзлаштириши; ўқув курулларининг мавжудлигига қараб усуллар танлай олиши; филологик таълимда миллий мафкура ва мустақиллик ғоясини тарғиб қила олиш **кўникмаларини** эгаллаши зарур;

- филологик таълимда тизимли ва ижодий ёндашиш; ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда инновацион-креатив ёндашувни татбиқ этиш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўллаш назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерфаол таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режасидаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар” махсус фан ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган фалсафа, мантиқ, этика, эстетика, педагогика,

психология, адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, ҳозирги ўзбек адабий тили, умумий тилшунослик, мутахассисликка кириш, шевашунослик каби фанлардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни

“Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялар” модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўзбек тили ва адабиётини ўргатишда педагогик технологияларни амалда қўллаш, таҳрир ва таҳлилга оид масалаларни баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
	Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Кўчма машғулот	Мустақил таълим
		Жами	Назарий	жумладан		
Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари	2	2	2			
Тил таълимида инновация	2	2	2			
Ўзбек тилининг назарий масалалари талқинида янги ёндашувлар	2	2	2			
Замонавий тадқиқ методлари.	2	2	2			
Тил ўқитишда компьютер лингвистикаси имкониятларидан фойдаланиш.	2	2	2			
Ўзбек тилини ўқитиш дарсларида фанлараро интеграциядан фойдаланиш.	2	2	2			2
Жами:	14	12	12			2

НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ

1-маву. Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари. Тилшуносликда фанлар интеграцияси. Тилшуносликдаги янги йўналишлар.

2-маву. Тил таълимида инновация. Инновация ва тараққиёт. Инновациянинг кўринишлари. Инновациянинг соҳа тараққиётидаги ўрни.

Инновация ва новация тушунчалари.

3-мавзу. Ўзбек тилининг назарий масалалари талқинида янгича ёндашувлар. Ўзбек тилининг мустақиллик давридан кейинги тараққиёти. Ўзбек тилининг ижтимоий соҳа кўринишларидаги ривож.

4-мавзу: Тил ходисаларини синергетик парадигма асосида талқин қилиш. Тил бирликлари орасидаги муносабатлар. Тил бирликлари қисмларида аранжировка (ўрин ва тартиб). Синергетика ва синергетик таҳлил.

5-мавзу: Тил ўқитишда компьютер лингвистикаси имкониятларидан фойдаланиш. Матнларни автоматик таҳрир қилиш дастури. Word тизими. Ўзбек тили дарсларида аудио, видео материалларидан дарслик ва қўлланмаларнинг электрон версияларидан фойдаланиш йўллари.

6-мавзу. Ўзбек тилини ўқитиш дарсларида фанлараро интеграциядан фойдаланиш. Метод, методика, методология. Замонавий тадқиқ методлари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Мавзу. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда янги йўналишлар ва парадигмалар.

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- замонавий техник воситалар орқали маъруза ва амалий машғулотларни ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тавсия этилган бадиий матннинг структурал таҳлилинини мустақил ҳолда амалга ошириш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

Ўзбек тили таълими жараёнида замонавий методлардан фойдаланиш					
Интерфаол усуллар		Дебатлар		Блиц-сўровлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ тури	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		0,5	“аъло”	“яхши”	“ўрта”
1.	Ўқув-лойиҳа ишини бажариш	0,5	0,5	0,4	0,3

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида, амалий ва семинар машғулотларида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;


- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Ассимиляция	қатор келган нутқ товушларининг бир-бирига таъсир қилиб ўзига мослаштиришидир.	
Прогрессив ассимиляция	айтди-айтти, юракга-юракка	
Регрессив ассимиляция	йигитча-йигичча, тузсиз-туссиз.	
Диссимиляция –	икки ўхшаш товушнинг ўрин алмашинуви.	
Прогрессив диссимиляция:	бирорта-биронта	
Регрессив Диссимиляция	иттифоқ-интифоқ	
Тавсифий фонетика	нутқ товушлари, уларнинг хусусияти ва характери қайд этилади. Фонетиканинг силлабика, акустика, интонасия, товуш ўзлгариши ва унинг қонуниятлари ҳақида маълумот бериладиган соҳаси.	
Тарихий фонетика	нутқ товушлари тараққиёти ўзгариши билан боғланган ҳодисалар, қонуниятлар берилади. Тилга хос фонетик жараёнлар тарихий ёдгорликлар орқали ёритилади	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Намуна: Методиканинг шаклланиш тарихи. Фан сифатида ривожланиши



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Ўзбек тили ва адабиётининг тараққиёт йўналишлари

Режа:

1.1. Тилшунослик фанининг шаклланиш босқичлари

1.2. Адабиётшунослик фанининг шаклланиш босқичлари

Таянч иборалар: лингвистика, аморф тиллар, агглютинатив тиллар, флектив тиллар, синкретизм

1.1. Тилшунослик фанининг шаклланиш босқичлари

Лингвистиканинг асосий объекти инсонларга хос бўлган тилдир. Тил тизими қонуниятлари, унинг фаолияти ва тараққиёти ушбу фаннинг предмети ҳисобланади.

Грамматикага доир илк ишлар дастлаб ҳар қандай тил тизими учун хос деб ҳисобланган. Кўпгина халқларнинг мутаффақирлари бир тил грамматикасини иккинчисига нисбатан тадбиқ қилишни табиий ҳол деб қабул қилишган. Қизиқарли томони шундаки, XVIII асрда юнон-лотин тилларидаги кўпгина феъл замонларини рус тили грамматикаси кўчириб олгани каби, XX асрнинг 50- йилларигача туркий тиллар грамматикаларида ҳам рус тили грамматикаси анъаналарига хос бўлган феълнинг замон шакллари ҳақидаги маълумотларни қайд этишга ҳаракат қилинган.

Тилнинг инсонга хослиги туфайли индивидуал ва бутун халққа тегишли бўлганлиги учун ижтимоий эканлигини эътироф эта туриб, Хумбольдт тилдаги субъективлик ва объективлик яхлитлигини ҳамда тарихий тараққиёт ва фаолият ҳамоҳанглигини таъкидлаб ўтади. Хумбольдт тил ва маданият, тил ва ёзув муносабатлари ҳақидаги масалага эътибор қаратди ва тилнинг билиш қуроли сифатидаги ўрнини кўрсатиб берди.

Хумбольдтнинг ғоялари Август Шлейхер (1821-1868), Александр Афанасьевич Потебня (1835-1891), Иван Александрович (Ян) Бодуэн де Куртенэ (1845- 1929) каби йирик тилшуносларнинг лингвистик қарашларига катта таъсир кўрсатди.

Хумбольдт тилнинг фаолият эканлигини таъкидлаб ўтади. Лекин у тилни фаолият қуроли сифатида қўлланиши ва лисоний фаолиятнинг ўзи ўртасидаги аниқ чегарани ажратиб бера олмади. «Тил-нутқ» дихотомиясини лингвистикага бир неча йиллардан сўнг, замонавий лингвистикага асос солиш борасида И. А. Бодуэн де Куртенэ билан бир каторда турган олим Фердинанд де Соссюр (1857-1913) киритди.

Соссюрнинг муҳим хизмати – *тилни белгилар тизими сифатида* тушунишнинг асосий тамойилларини шакллантирганлиги, синхронликни аниқ чегаралаганлиги, яъни тилни ўзгариш ва тараққиёт жараёнида таҳлил этганлиги ва *тилнинг тизимли характери* ҳақидаги масалани аниқ қўя билганлигидадир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Соссюр тил тизими ҳақида Хумбольдт ва айниқса Шлейхер каби организм сифатида эмас, балки айнан тизим сифатида фикр юритади.

Тилшунослик фанининг предмети тушунчаси тарихий нуқтаи назардан ўзгарувчан характерга эгадир. Маълумки, тил ҳақидаги фан тўғри ёзиш ва ўқиш ҳақидаги таълимотлар билан бошланган эди. Ушбу таълимот *грамматика*, яъни «ёзув санъати» деб аталган. Аммо ана шундай аниқ амалий мақсадга эришиш жуда кенг қамровли масалаларни ҳал қилишни талаб этди. Масалан, тил ўзгарувчанлиги, тиллардаги фарқлар, қадимий матнлар ёки хорижий тилдаги ёзувни ўқишга ўргатиш каби масалалар шулар жумласидандир. Ёзувнинг яратилиши эса товушлар ва ҳарфлар муносабати ҳақидаги масалани ҳал қилишни тақозо этди. Бундан ташқари, товушларнинг барча турлари эмас, балки фақат маънони ажратишга хизмат қиладиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товуш белгилари учунгина ҳарфлар яратиш зарур эди.

Сўз ўзгариши ва гапдаги сўзларнинг боғланиш қоидаларини билмасдан туриб тўғри ўқиш ва ёзиш мумкин эмас. Шундай қилиб, аста-секинлик билан грамматика «ёзув санъатидан» сўзларнинг ўзгариши ва боғланиши, товушлардан сўзлар тузиш ва уларнинг маънога эга қисмлар (морфемалар)дан ташкил топиши ҳақидаги фанга айланиб борди.

Маълумки, бундай ёндашувда тилнинг жуда муҳим элементи – сўз тил ҳақидаги фан қизиқиши доирасидан четда қолади. Шундай бўлсада, амалиёт луғатлар тузиш заруратини туғдирди. Натижада, тил ҳақидаги фан ўз таркибига *лексикология* фанини, яъни луғат таркиби ҳақидаги фанни ҳам киритди. Тўғри ўқиш ва ёзишга ўргатишда тил тизими ва ёзувни билиш етарли эмас. Тилнинг қандай ҳаракат қилиши ва фаолиятини англаш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Шу асосда тил фаолияти муаммолари – аввалига намунавий нутқ таълимоти бўлган риторика ва кейинчалик, услублар ҳақидаги таълимот – стилистика билан боғлиқ ҳолда тил ҳақидаги фан предмети таркибига киритилди.

Лингвистиканинг бугунги ҳолати дедуктив ва индуктив ёндашувларнинг лингвистик тадқиқотларда амалда бирлаштирилиши ва кузатишлар, тажрибалар ва олинган маълумотларни йиғишни ўзаро боғлашни талаб этмоқда.

«Умумий тилшунослик» фанининг икки мустақил тармоққа бўлинган. Тармоқлардан бири *умумий тилшунослик* бўлиб у дунёнинг турли тиллари доирасида олиб борилган кузатишларни умумлаштириш ва ана шундай умумлаштирилган хулосалар асосида тилларнинг структураси, фаолияти ва тараққиётига хос умумий қонуниятларни аниқлаш каби вазифаларни ўз олдига қўйса, умумий тилшуносликнинг иккинчи тармоғи бўлган *назарий тилшуносликда* эса тилларнинг структураси, фаолияти ва тараққиётининг

моделлари яратилади.

Умумлингвистик тадқиқотлар тизимида *типологик лингвистика* ўзига хос ўринни эгаллайди. Дунёдаги турли тилларнинг қиёсий таҳлили муайян белгиларга кўра тилларни, уларнинг товуш ва грамматик тизимлари, луғат бойлиги ва услубий турларини маълум типларга бирлаштириш имкониятини беради.

Хумбольдт давридаёқ тилларнинг морфологик структурасидаги фундаментал хусусиятларни эътиборга олишга асосланган типологик таснифлаш кенг тарқалган эди. Ушбу таснифга мувофиқ тилларнинг кўйидаги типлари ажратилган:

1. Сўз таркибида ёрдамчи морфемалар ишлатилмайдиган *аморф тиллар*;

2. Ёрдамчи морфемаларнинг ўзакда сезиларли ўзгаришларни юзага келтирмасдан унга агглютинативация (яъни елимлаш) йўли билан бирикадиган *агглютинатив тиллар*;

3. Ёрдамчи морфемалар ўзак билан жуда яқин бирикадиган ва бунда ўзакда ҳам, ёрдамчи морфемада ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берадиган *флектив тиллар*.

Ушбу типлар гуруҳига яна бир типни, яъни полисинтетик тилларни киритиш мумкин. Бу тиллардаги ўзак ва ёрдамчи морфемалар бирикиб, муайян даражада сўз–гап ягона тузилмасига айланади (Америка хиндулари тиллари ва Осиёдаги баъзи тиллар – чукот, коряк ва ҳ.к.). Ушбу таснифлашни таниқли америкалик лингвист Эдуард Сепир (1884–1939) аниқлаштирган ва бунда у кўпгина нотаниш тиллардан тўпланган фактларни инобатга олган.

Умумий ва амалий тилшунослик ўзининг назарий аспектларида яқин алоқададир. Тарихдан тилшуносликнинг мақсади тил ва тўғри ёзишни ўргатишга қаратилганлигини айтдик. Кейинги даврларда ушбу вазифалар қаторига инсоннинг машина ва компьютер билан ўзаро мулоқоти билан боғлиқ вазифалар ҳам қўшилди.

Умумий тилшунослик лингвистиканинг назарий ядроси ҳисобланади. Тил назарияси инсоният мулоқотининг муҳим воситаси сифатида ҳар қандай табиий тил доирасида олиб бориладиган тадқиқот ишининг асосини ташкил этади. Дунёнинг турли тиллари структураси, фаолияти ва тараққиётида юз берадиган ҳар қандай ҳодисанинг тўлақонли таҳлилини амалга ошириш ишончли назарий асос ва методологик тамойиллар билан таъминланиши зарурдир.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, психоллингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагматингвистика каби йўналишлар шаклланди. Дунё тилшунослигида тилшунослик тадқиқотлар қиёсий, тарихий, антропоцентрик парадигма асосида олиб борилмоқда. Психоллингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, прагматингвистика йўналишлари антропоцентрик парадигмага мансубдир.

Илмий парадигма (юнонча “мисол, намуна”) фан объектини, унинг муайян даврда ҳоким бўлган назарий тушунчаларини ўрганишга

йўналтирилган ва шу асосда фаннинг турли бўлимларида ўхшаш бўлган, ўзаро боғланган муайян тадқиқот методикаларининг мажмуидир. Илмий методология ва илмий методлардан фарқли ўлароқ, аниқ тарихий хусусиятга ва ижтимоий-маданий тарқалиш чегарасига эга. Мазкур термин 1962 йилда америкалик файласуф ва тарихчи Т. Куннинг машҳур “Илмий инқилоблар структураси” («Структура научных революций» рус тилига 1977 йилда таржима қилинган) асарида муомалага киритилган.

Т. Кунга кўра парадигма ўз тадқиқот фаолиятига ва объектига эга бўлган, муштарак илмий ва фалсафий ғоялар билан бирлашган у ёки бу илмий ёки фалсафий ҳамжамиятлар томонидан қўлланиладиган ўзига хос методлар ва усуллар йиғиндидир. Масалан, XIX ва XX асрларнинг парадигмалари қиёсланилганда, XIX асрни тарихийлик, XX асрни эса структурализм белгиси остида кечганлигини кўриш мумкин. Т. Кун парадигмаларнинг бундай ўзгаришини “илмий инқилоб”, деб атайди. Бинобарин, илмий парадигма фалсафа, фан, санъат, адабиёт, ижтимоий ҳаёт ва ҳ.к.нинг етакчи тамойиллари ва методларини бирлаштирган умуммаданий парадигманинг бир қисми ҳисобланади. Масалан, структурализмнинг илмий парадигмаси позитивизмнинг маданий парадигмасига киради .

Маълумки, лингвистикада (умуман, ижтимоий фанларда) парадигмалар бир-бирини ўзгартирмайди, бироқ бири бошқасини тўлдиради, айти пайтда бири иккинчисига эътибор бермаган ҳолда бирга яшайди. Анъанавий тарзда илмий парадигма уч турга ажратилади: қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик.

Тилшуносликда илк илмий парадигма қиёсий-тарихий парадигма саналади. Чунончи, қиёсий-тарихий метод тил тадқиқининг дастлабки хусусий методи бўлган.

Систем-структур парадигмада асосий эътибор предметга, нарсага, отга қаратилгани учун сўз диққат марказида бўлган. Ҳозир ҳам тилни систем-структур парадигма доирасида тадқиқ қилиш давом этмоқда. Бу парадигма тарафдорларининг сони ҳам талайгина. Ҳали ҳам мазкур парадигма асосида дарсликлар, академик грамматикалар ёзилмоқда. Шубҳасиз, систем-структур парадигма доирасида амалга оширилган фундаментал тадқиқотлар нафақат ҳозирги, балки келажакда бошқа парадигмалар асосида изланиш олиб борадиган тилшунослар учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Антропоцентрик парадигма бу тадқиқотчилар қизиқишларининг объектдан субъектга ўзгариши, йўналтирилиши, яъни инсоннинг тилда, тилнинг эса инсонда таҳлил қилинишидир. И. А. Бодуэн де Куртене таъбири билан айтганда, “тил фақат тил жамоасини таркиб топтирган индивидуал мияларда, кўнгилларда ва индивидларнинг психикасида мавжуд бўлади”.

Тилнинг антропоцентрик ғояси замонавий тилшуносликнинг асосини ташкил қилади. Бугунги кунда лингвистик таҳлилнинг мақсади, тил тизимларининг турли тавсифини шунчаки аниқлаш билан ҳисоблаша олмайди. Тил кишилиқ жамиятида вужудга келган кўп қиррали ҳодиса: у система ва антисистема, фаолият ҳамда ушбу фаолиятнинг маҳсули, руҳ ва моддият ва ҳ.к. Ю. С. Степанов тилнинг мураккаб моҳиятини ёртиш учун

уни бир неча образлар кўринишида тақдим этган бўлса-да, улардан ҳеч бири тилнинг барча қирраларини тўлиқ очиб беролмайди: 1) тил индивиднинг тилидир; 2) тил - тил оилалари аъзоси; 3) тил – структура; 4) тил – тизим; 5) тил – тур ва хусусият; 6) тил – компьютер; 7) тил – фикрлар макони ва “руҳнинг уйи” (М. Хайдеггер), яъни тил инсоннинг мураккаб когнитив фаолиятидир. XX асрнинг охирига келиб буларга яна бир таъриф қўшилди: тил – маданият маҳсули, унинг муҳим таркибий қисми, яшашининг шарти, маданий кодларнинг шаклланиш омилидир.

Антропоцентрик парадигма нуқтайи назаридан инсон дунёни ўзини билиш, ўзининг назарий ва амалий фаолияти орқали танийди. Масалан, ҳеч қандай мавҳум назария нима учун олов ҳисси ҳақида ўйлаганда севги олови, юрак оташи, илиқ дўстлик ва ҳ.к. ҳақида гапирилишини изоҳлай олмайди. Барча нарсаларнинг ўз ўлчовида англаш инсонга унинг онгида нарсаларнинг антропоцентрик тартибни ижод қилиш ҳуқуқини беради. Уни маиший эмас, балки илмий даражада тадқиқ қилиш мумкин бўлади. Инсоннинг миясида, онгида мавжуд бўлган бу тартиб унинг маънавиятини, қадриятларини ва хатти-ҳаракати мотивларини белгилайди. Буларнинг барчасини инсон нутқини, хусусан, унинг энг кўп қўллайдиган ифодаларини тадқиқ қилиш орқали тушуниш мумкин.

Тилшуносликда антропоцентрик тилшунослик (ёки антропоцентрик парадигма; неолингвистика) соҳасининг шаклланиши тил эгаси – сўзловчи шахс омилининг тадқиқ этиш билан боғлиқдир. “Тилшуносликда антропоцентрик бурилишнинг юзага келиши шу билан изоҳланадики, тадқиқотчиларнинг диққати “тил қандай қурилган” деган масаладан “тил қай тарзда амал қилади” деган масалага кўчди... Тилнинг қай тарзда амал қилишини тадқиқ этиш учун эса тилни унинг эгаси бўлган шахс омили нуқтайи назаридан кўриб чиқиш керак бўлади” .

Замонавий тилшуносликда тил тизимини антропоцентрик нуқтайи назардан ўрганиш, асосан, лингвистик семантика, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, прагмаллингвистика ҳамда лингвокултурологияга оид тадқиқотларда амалга оширилади.

Таниқли ўзбек тилшуноси, проф. Н. Маҳмудовнинг тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилади: “Тилнинг ана шундай обектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, тил эса инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. Мутахассислар таниқли рус адиби С.Давлатовнинг “инсон шахсиятининг 90 фоизини тил ташкил қилади” деган ҳикматомуз гапини тилга оладилар. В.А. Маслова таъкидлаганидай, инсон ақлини, инсоннинг ўзидай, тилдан ва нутқ яратиш ҳамда нутқни идрок қилиш қобилиятидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди”. Айрим тилшуносларнинг фикрича, антропоцентрик парадигма ўтган асрда структурализм муваффақиятлари натижаси сифатида юзага келган “ўзида ва ўзи учун” тамойилини бутунлай четга суриб қўйди. Бунда асосий эътибор нутқий фаолият бажарувчиси, яъни нутқ тузувчи ва уни идрок этувчи тил эгасига қаратилди.

Илмий парадигмага “тил эгаси” категориясининг киритилиши тилшуносликда, шахс, лисоний онг, тафаккур, фаолият, менталлик, маданият каби тушунчаларнинг янада фаоллашувини тақозо этади.¹

1.2. Адабиётшунослик фанининг шаклланиш босқичлари.

Поэтика тарихини даврлаштириш ҳам, худди адабий алоқалар тарихини даврлаштириш каби, адабиёт тарихини даврлаштиришга ёрдам беради, яъни методологик асарлардан бири бўлиб хизмат қилади. Икки жилдли “Адабиёт назарияси” (“Теория литературы”) қўлланмасидаги даврлаштириш анча йиллардан бери давом этиб келган икки босқичли – *синкретизм* ва *индивидуал ижод* даврига (А.Н.Веселовский, Ю.М.Лотманнинг даврлаштиришга) жиддий аниқликлар киритди. Аниқлик шундан иборат бўлдики, поэтика тарихи икки босқичдан эмас, балки уч босқичдан иборат бўлиб, булар *синкретизм даври* (ибтидоий даврдан Антик давргача), *эйдетик поэтика даври* (милоддан олдинги VII-VI асрдан милодий XVIII асргача) ва *бадий модаллик поэтикаси* (XVIII асрдан бугунгача) давридир. Қўлланманинг иккинчи жилдини муаллифлар ҳар бир даврнинг ўзига хос мезонларини далиллашга бағишлаганлар. Мезонлар: *синкретизм даври поэтикасида* – образ, сюжет, адаби турлар, жанрларнинг битта объект доирасида яхлит ҳолда намоён бўлиши, архаик онгнинг, ҳозиргидан фарқли равишда, ажралмас яхлит табиатга эга бўлиши; *эйдетик поэтика даврида* – индивидуал ижод ибтидоси, кўчимларнинг пайдо бўлиши, образларнинг сўз орқали ифодаси, жанрлар тизимининг юзага келиши, бадий асарда муаллиф позицияси; *бадий модаллик поэтикаси даврида* – бадий модаллик тамойиллари, поэтикада субъективлик қатлами, реализмнинг босқичлари, бадий воситаларнинг трансформациялашуви, образли тилга муносабат ва ҳ. Агар ўзбек адабиётини даврлаштиришга татбиқ этадиган бўлсак, синкретизм даври поэтикасида – туркий мифлар ва культлар фаолиятда бўлган даврни (айниқса, синкретизм мифларда ва ибтидоий даврга оид амалий ҳамда тасвирий санъат асарларида яхлит ҳолда аниқ намоён бўлади – уларда образлилик ҳам бор, ўз даврига оид одатлар ҳам акс этган, ҳикоя ёки эртак жанри ва б. ҳам бор), эйдетик поэтика даври – қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан бошлаб “Девону луғатит-турк”даги шеърий парчалар ва афсоналарнинг бадий модаллик поэтикаси даври – Қорахонийлар сулоласидан бошлаб бугунгача бўлган адабий жараённи қамраб олади. Айтганларимиз – тарихий поэтикага оид, умуман, “Тарихий поэтиканинг предмети...бадийлик тамойиллари, усуллари ва шакллари келиб чиқиши ва тараққиёти”дан иборат. Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштиришга асос бўладиган адабий категориялар айнан тарихий поэтикада шаклланган.²

¹ Антропоцентрик парадигма ҳақидаги маълумотлар куйидаги манба асосида берилди: Ш.Усманова. Лингвокультурология. УУМ, 2012.

² Н.Раҳмонов. Ўзбек адабитини даврлаштириш масалалари. Тошкент – 2016.Б.7-8.

2-мавзу. Тил таълимида инновация.

Режа:

- 2.1. “Инновация” тушунчасининг моҳияти.
- 2.2. Инновацион жараён ва инновацион фаолият.
- 2.3. Инновацион таълимда электрон воситаларнинг урни.

Таянч тушунчалар: инновация, новация, педтехнология, узлуксиз таълим, фанлар интеграцияси, интерактив метод, замонавий метод, умумий метод, хусусий метод.

2.1. “Инновация” тушунчасининг моҳияти.

Ҳозирги вақтда «Инновация тушунчаси» жуда кенг қўлланилмоқда. Инновация сўзи инглизча сўз бўлиб — «инновацион» янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий- маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация — маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир. Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қўйидагича таснифлаш мумкин: — фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги) — киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (локал, модулли, тизимли) — келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган) Инновациялар одатда бир неча муаммо кесишган пайтда вужудга келади ва умуман янги масалаларни ҳал қилади, педагогик жараённинг узлуксиз янгилашиб боришга олиб келади. «Янгиликларни жорий қилиш» тушунчаси бизнингча, янгилик, ҳам ана шу янгиликни амалиётга жорий этиш жараёнидир. Янгилик — бу алоҳида олинган шахс учун янги бўлган ғоядир, бу ғоя объектив равишда янги ёки янги эмаслиги аҳамият касб этмайди, биз уни вақт бўйича — янгилик очилган пайт ёки ундан биринчи марта фойдаланилган пайтда аниқлаймиз. Янгиликни жорий қилиш предмет мазмунига кўра учта асосий гуруҳга бўлинади: 1) техник- технологик; 2)

маҳсулий; 3) ижтимоий. Ўз навбатида буларга қуйидагилар киради: иқтисодий, ташкилий- бошқарув, хусусий- ижтимоий, ҳуқуқий. Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «новация» ва «инновация» тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга ошириладиган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципларини ўзгаришига олиб келсагина инновация дея оламиз. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: инновация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхши ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади. Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён деб — инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнига айтилади.

2.2.Инновацион жараён ва инновацион фаолият.

Инновацион жараён бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитлигидир. Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, таълим тизимида ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият - бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагогик олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин: — ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш; — педагогик тадқиқот методларини эгаллаш; — муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти; — тажриба — синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш; — ўзидан бошқа тадқиқотчи — педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш; — ҳамкасблар билан ҳамкорлик; — фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик; — зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш; — янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш. Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим тизимидаги

инновацияларни педагогик жараёнга киритиш 4 босқичда амалга оширилади: 1. Муаммоли таҳлил асосида аниқлаш. 2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш. 3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш. 4. Ўзгаришларни амалга ошириш. Инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад — ўқитувчининг янгиликка интилувчанлигини, мустақил ўз устида ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, янги педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштиришдан иборат. Хулоса қилиб айтганда, инновацион фаолият — янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти бутун педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, таракқий эттирувчи куч вазифасини бажаради ва таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам инновацияни ҳар бир ўқитувчи тушуниб, ўқиб ва ўрганиб, ўзининг педагогик фаолиятига олиб кира олса, таълим стандартларида кўрсатилган меъёрий талаблар амалга ошади. Ўқитувчи инновация фаолиятга тайёр бўлиб, дарсга энг сўнгги янгиликларни олиб кириб, ўқувчига қизиқарли ва уни эҳтиёжига мос равишда ташкил этсагина, сифат ва самарадорликни кафолатлаши мумкин.

2.3. Инновацион таълимда электрон воситаларнинг ўрни.

Электрон таълим захиралари воситасида таълим бериш педагогик адабиётларда компьютерли ўқитиш технологияси деб юритилади. Электрон дарсликлар махсус фаннинг мазмуни ва моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни қараб чиқиш ва кўпроқ амалий машғулотларни бажаришга имкон яратади. Ўрганишнинг барча босқичларида ўз-ўзини текшириб кўриш учун кенг имкониятлар мавжуд. Электрон дарслик тажрибали ўқитувчи вазифасини, чекланмаган тушунтиришларни, саноксиз такрорлашларни, эслатишларни тақдим этган ҳолда бажарилади. Электрон таълим захираларини яратишда қуйидаги тузилмага эътибор қаратиш лозим: курс муаллифи ҳақида маълумотлар, курс ҳақида маълумот-кириш, модуль шаклидаги асосий матн, мустақил тест орқали билимини синаш учун саволлар, маълумотнома материаллар, адабиётлар рўйхати, электрон кутубхона, ўзаро мулоқот воситалари (электрон почта, телеконференция-форум, чат), амалий ва лаборатория машғулотлари, ижодий топшириқлар (курс иши), муаммоли ҳолатлар блоки, маълумотлар омбори (рефератлар, лойиҳалар, тақдимотлар), талабаларнинг Web ишлари, Web –сайтга жойлаштирилган тез учрайдиган савол-жавоблар блоки, якуний баҳолаш (тест саволлари), мониторинг блоки, анкеталар пакети.

Электрон дарсликлар қуйидаги сифатларга эга бўлмоғи лозим:

-яхши гиперматин ва баён этиш логик тузилмасига; фойдаланувчи учун

қулай навигация тизимига; интернет ва замонавий компьютерларнинг мультимедиа ва анимация имкониятларидан фойдаланишга; билимни назорат қилиш тизимига; курсларни унча катта бўлмаган блоklarга ажратилганлиги; автоном маълумотнома материалларига; интернет тизимидаги электрон кутубхоналарга, ахборот манбаларига мурожаатга; ўқув дарслигининг мундарижага эга бўлишига; осон кириш, тез юкланишга; ихтиёрий танланган мавзуга ўтиш (масалан олдинги мавзуга ўтиш, кейинги мавзуга ўтиш, дастурда ишлаш ҳақида маълумот олиш, дастурдан чиқиш ва бошқалар); ўқитувчи билан самарали тескари алоқага (электрон почта, Web конференция, IRC-технология (chat)) IRC (Internet Relay Chat) – ҳақиқий вақт режимида Интернет орқали гаплашиш.

Юқоридагилар ёрдамида талабалар дарс мавзусини танлаши, олдинги ва навбатдаги мавзуга мундарижа орқали ўтиши, олдинги ва навбатдаги мавзу бўйича мавжуд мультимедиа ва анимацияларни кўриши, бирор мавзуга белги ўрнатиши ва унга электрон дарсликнинг бошқа жойидан зудликда ўтиш, дарс матнидан сўз қидириш ҳақида маълумот олиш ва дастурдан чиқиш каби бир қатор ишлар қўламини бажариши мумкин.

Электрон дарслик воситасида ўқитишда қуйидаги қулай имкониятлар яратилади: компьютерли қўллаб-қувватлашлардан фойдаланган ҳолда, талабалар катта миқдордаги топшириқларни бажаришга улгурадилар, ечимлар ва уларнинг график талқинини таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақтни тежайдилар; компьютер олдида мустақил иш шаклида машғулот ўтказиш имконини беради; талабалар билими тез ва самарали назоратдан ўтказилади; ўқитувчига назарий ва амалий машғулотларда ўзининг хоҳиши бўйича ҳажм жиҳатидан кичик, аммо таркиби бўйича ўта муҳим бўлган материалларни етказишга, талабаларнинг аудитория машғулотлари доирасидан ташқари ўрганиш мумкин бўлган масалаларни ечишда мустақил шуғулланишларига шароит яратилади; ўқитувчи назорат ишларини текширишдан озод бўлади; уй топшириқлари ва назорат ишлари қисмига оид ишлашни индивидуаллаштириш мумкин.

Компьютерли ўқитиш технологиясининг асосий хусусиятлари ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

-ушбу технология талабаларни мустақил фикрлаши ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтиради;

-ўқитувчи таълим жараёнида маслаҳатчиси фатида қатнашади;

-ўқитиш жараёнида ахборот воситалари ва заҳиралари фаолинтграцияси таъминланади;

-ўқишга қизиқиш ортади; таълим олишнинг қулайлиги ва натижавийлигини таъминлайди; талабаларда мустақил ишлаш ва изланиш малакалари шаклланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган маълумотлар таълим самарадорлигини оширишда компьютердан ўринли ҳамда унумли фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини тажрибаларимиз кўрсатмоқда. Демак, компьютерли ўқитиш технологиясини таълим жараёнига олиб кириш давр талаби. Ўқитувчи бундай технологияни пухта билиши,

ўрганиладиган материалларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни тўғри танлай олиши лозим. Шундагина талабаларнинг фанга қизиқиш даражаси янада юқори бўлади.

3-мавзу. Ўзбек тилининг назарий масалалари талқинида янгича ёндашувлар

Режа:

- 2.1. Аксиоматик назария ва унинг моҳияти.
- 2.2. Аксиоматик назариянинг тилшуносликка татбиқи.

Таянч тушунчалар: моделлаштириш, компьютер модели, аксиоматик назария

3.1. Аксиоматик назария ва унинг моҳияти.

Аксиоматик назария милoddан аввалги VII - VI асрларда шаклланган. Унинг яратилиши математик олим Пифагор номи билан боғлиқ. Бу метод биринчи марта милoddан аввалги III асрда яшаб ижод этган юнон олими Евклиднинг «Негизлар» асарида учрайди. Аксиоматик назария босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. *Постулат* (юн. «талаб» маъносини англатади) - қадимги диалектикада ҳар бир кишининг илгари сурган ғояси, фикри. Уни тасдиқлаш ҳам, инкор қилиш ҳам мумкин.

2. *Аксиома* (юнонча «ҳурмат қиламан» маъносини англатади) - илмий назариянинг ҳеч қандай мантикий исботсиз тўғри деб тан олинувчи ва бошқа илмий хулосалар учун асос бўлувчи мақбул деб топилган ҳақиқат. Ариристотель аксиомани «*ҳар қандай исботсиз эътироф этиладиган бошланғич ҳукмлар*», «*илм-фаннинг пойдевори, ибтидоси*» сифатида талқин қилган.

3. *Теорема*—аксиомадан фарқли равишда мантиқан келтириб чиқариладиган жумлалар. У шарт, исбот ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Фанни аксиоматик асосда қуриш учун қабул қилинган аксиомалар тизими қуйидаги асосий талабларни қаноатлантириши керак:

- *зиддиятсизлик*— аксиомалар тизимининг шундай хоссасики, унга кўра, системанинг ҳеч қандай иккита ҳолати бир-бирига зид келмаслиги керак. Бунда аксиомалар тизимининг ўзида рост ва ёлғон орасидаги фарқни акс эттириш кераклиги назарда тутилади;

- *тўлалик* — аксиомалар системасига қандайдир жумлани кўшганда

системада зиддият содир бўлади;

- *боғлиқсизлик* – берилган аксиомалар системасининг у ёки бу системалари шу системанинг бошқа системалари ёрдамида исбот қилиниши мумкин эмас.³

3.2. Аксиоматик назариянинг тилшуносликка татбиқи.

Аксиоматик метод – илмий назариянинг шундай қурилишики, унда бу назария асосига барча қоидалар (теоремалар)нинг юзага келиши учун асос бўладиган бошланғич постулат ва аксиомалар қўйилади. Аксиомалар исбот талаб қилмайди, лекин унинг исботланиши кўп йиллик кузатишлар натижасида амалга оширилган ва шунинг учун ҳам исбот шарт эмас. Аксиоматик назария масалалар моделини тузишдаги универсал тил ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур тил компьютер тилидир. Формал назарияда ҳар бир формула умумий маъно нуктаи назаридан алоҳида текширилади, аксиоматик назарияда эса кўриб чиқиладиган формуланинг умумий маъносини текширишда исбот қилинган формулаларнинг барчасидан фойдаланиш мумкин бўлади. Айнан шунинг учун мазкур метод самарали ҳисобланади.

Аксиоматик назарияда дастлабки бошланғич тушунчалар, постулат, аксиомалар, теоремалар, келтириб чиқариш қоидалари асосий ўрин тутаяди. Масалан, аксиома: *Сўзда нечта унли бўлса, шунча бўгин бўлади.* Теорема: *Агар ихтиёрий X гап инверсияга учрамаса, НСП - Нормал Сентене Паттерн (нормал гап қурилиши)га мос келса, у ҳолда эга доим кесимдан олдин келади.*

Аксоматик назария қуйидаги ҳолатлар аниқланганда ҳақиқий ҳисобланади:

1. Аксиоматик назария ифодаларини тавсифлаш учун зарурий бўлган назария символлари – ҳарфлар тизими (алифбо), белгилар, мантикий операциялар белгилари ёки рақамлар.

2. Аксиоматик назария формулалари, яъни назарияда фикрланган барча ифодалар тавсифи: тилдаги сўзлар, улар махсус кенгайтирилган луғатда келтирилади.

3. Аксиомалар (бошланғич ва мутлақ тўғри деб ҳисобланган формулалар). Тил грамматикаси аксиомалари: гапларнинг дастлабки тўғри конструкциялари. Масалан, инглиз тили учун эга+кес+тўлд+ҳол (кенгайтирилган тасдиқ (дарак) гап конструкцияси): *Mother bought milk yesterday.* Ўзбек тили учун эга+тўлд+ҳол+кес (кенгайтирилган тасдиқ (дарак) гап конструкцияси): *Сарвар китобни қизиқиб ўқиди.*

4. Аксиоматик назария хулосаларини чиқариш қоидалари, яъни мутлақ тўғри формулалардан бошқа мутлақ тўғри формулаларни келтириб чиқариш имконини берувчи барча қоидаларни ҳисоблаб чиқиш (берилган конструкциялардан янги гап конструкцияларини ҳосил қилиш қоидалари).

³<http://www.wikipedia.org/wiki/axiom.html> / Гильберт Д. Аксиоматическое мышление / Перевод с англ. А.Г.Барабашева.

4-мавзу. Замоनावий тадқиқ методлари

Режа:

1. Метод, методика, методология тушунчаларининг мазмун-моҳияти.
2. Таълим технологиялари тараққиёти.
3. Замоनावий методлар ва уларнинг кўринишлари.

Таянч тушунчалар: *метод, методология, методика, дистрибуция, вариация, субституция*

Тилшуносликда методология, метод ва методика тушунча ва терминлари фарқланади. Умумий ва хусусий илмий методлар ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий илмий методлар умумий методларга асосланади. Хусусий методлар фақат бир фан учун хизмат қилса, умумий методлар бир канча фанлар доирасида қўлланила олувчи методлар ҳисобланади. Масалан, статистик метод (микдорий метод).

Метод – ҳар бир фан учун хусусий ва барча фанлар учун умумий бўлган (масалан, қиёслаш методи), манбаларни тўплаш ва тасниф қилиш, улардаги энг асосий хусусиятларни ўрганиш учун тилдаги барча бирликлар, сатҳлар ва ривожланиш жараёнларини, ўзгаришларни билиш ва аниқлаш учун қўлланиладиган услуб ва йўллар мажмуидир.

Методология – (грекча *methodos* - билиш йўллари, илми) қандай назария ва принциплар асосида илмий тадқиқ қилиш пойдеворини яратишдир.

Методология инсон билиш фаолиятининг воситалари, мақсади ва назарий асосини аниқлаб беради. Методология доирасида тадқиқотчи воқеликдаги турли ҳодисаларни таҳлил қилиш тамойилларини танлайди, тадқиқот жараёнида эришилган натижаларни ўрганиш ва баҳолаш усулларида фойдаланади. «Фалсафа» қомусий луғатида методология тушунчаси икки йўналишда таърифланади: 1) бирор фанда тадбиқ этиладиган тадқиқот усулларидаги мажмуи; 2) илмий билиш ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимот (Фалсафа қомусий луғати. Т. 2004:258).

Методологиянинг муҳим вазифаларидан бири билим манбаини аниқлашдир. Ушбу масаланинг ечимини фалсафадан изламоқ даркор, зеро, фалсафий нуқтаи назаридан ҳар қандай билим манбаи объектив воқелик ва унинг инсон онгидаги аксидир

Методика – илмий метод натижасида аниқланганларни амалда тадбиқ этишдир. Шу мазмунда хорижий тилларга ўргатиш ҳам ўз методикасига эга. Уларни интерактив методика, таржима воситасида тилга ўргатиш методикаси деб аталади.

Ҳар қандай фан махсус тадқиқот методларини ишлаб чиқади. Бу илмий

тадқиқот методлари фалсафий ва мантиқий методлар билан умумилмий методлар орқали мувофиқлашади. Метод ва методика тушунчаси бири-биридан фарқ қилади. Метод билиш усули, методика билиш усулида қўлланиладиган йўл-йўриқдир. Билиш усуллари умумий ва хусусий бўлади. Шунинг учун у фалсафий метод, яъни *умуман билиш усули ҳақидаги метод* ва *умумилмий метод*ларга бўлинади. Тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, структур сингари методлар қўлланилади ва улардан қайси бирининг устувор методга айланишига кўра тилшунослик тарихи ҳам турли босқичларга бўлинади.

Методлар. *Илмий метод ҳаракатларнинг шундай бир усулики, унинг ёрдамида маълум турдаги илмий вазифалар ечилади.* Метод ҳақидаги билим махсус йўриқномалар, қўлланмалар ва методикаларда ифодаланади. Уларда ҳаракатларни бажариш қоидалари таърифланади, шунингдек методни қўллаш шартлари ва мақсадлари, унинг имкониятлари, метод ёрдамида эришиладиган натижалар хусусияти ва ҳоказолар тавсифланади.

Методни у ҳақдаги билим билан айниёлаштириш мумкин эмас. Бир томондан, методни уни тавсифловчи қоидалар ва йўриқномаларни билмай туриб ҳам ўзлаштириш мумкин. Бундай билим вербаллаштирилмаган, ноаниқ хусусият касб этади, у фаолиятдан ажратилмайди, балки унга киритилади ва унда «ишлайди». Бошқа томондан, методик қўлланмалар ва йўриқномалар матнини аъло даражада билиш ҳам уларда тавсифланган методни ўзлаштирганликни англатмайди. Масалан, тиббиётчи-талаба ташхис қўйиш методикасини миридан-сиригача билиши мумкин, лекин тегишли ўрганиш ва машқларсиз у ташхис қўйиш маҳоратини лозим даражада ўзлаштириши амри маҳол бўлса керак. Амалда кўрсатиш ва шахсий тажриба ўрнини ҳеч қандай оғзаки йўл-йўриқлар боса олмайди. Айни шу сабабли олимнинг шогирдлари ва ҳамкасблари билан бевосита алоқалари улкан роль ўйнайди: улар бирон-бир йўриқномада қайд этилмаган нарсалар билан ўртоқлашиш имкониятини беради.

Мазкур метод ёрдамида ечиш мумкин бўлган вазифалар тури унинг қўлланиш соҳасини ташкил этади. Ҳар қандай турдаги вазифаларни ечиш имкониятини берадиган универсал метод фанда мавжуд эмас. Ҳар қандай метод ўзининг муайян қўлланиш соҳасига эга бўлади.

Ҳар бир фан доирасида унинг тадқиқот объектларига мослаштирилган махсус методлар ишлаб чиқилади (масалан, физикада – қўламларни таҳлил қилиш методи, биологияда - қушларни ҳалқалаш методи, психологияда – тестлаш методи, социологияда – анкета сўрови методи, тилшуносликда – тилларни қиёсий таҳлил қилиш методи ва ҳ.к.).

Шу билан бир вақтда ҳозирги замон фанида методларни бир фандан бошқа фанга кўчириш улкан аҳамиятга эгадир (масалан, физик методлардан кимёда (спектроскопик метод), биология ва тиббиётда (рентгеноскопия методлари), тарихда (радиоактив таҳлил методи) фойдаланиш, математик методларни табиатшуносликда ва ижтимоий фанларда қўллаш).

Махсус методлар билан бир қаторда кўпгина ёки ҳатто барча фанларда қўлланиладиган умумий методлар ҳам бор. Улар **умумилмий методлар** деб

аталади. Уларга оқилона фикрлашнинг барча методлари – таҳлил, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, индукция, дедукция ва бошқалар, шунингдек кузатиш, эксперимент, моделлаштириш, идеаллаштириш каби методлар киради.

Муаммолар каби, методларни ҳам ҳақиқийлик ёки сохталик нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин эмас. Метод яхши ёки ёмон бўлиши, муайян муаммони ечиш имкониятини бериши ёки бермаслиги мумкин, лекин барча ҳолларда у ҳақиқий ҳам, сохта ҳам эмас. Баъзан бирон-бир методни «ҳақиқий» деб номлашлари мумкин, лекин бу фақат мазкур метод ҳақиқатнинг тагига етишни таъминлашини, яъни муайян муаммони ечишнинг «яхши», самарали воситаси ҳисобланишини англатади. Худди шунингдек, бирон-бир методга нисбатан ишлатилган «сохталик» тушунчаси ҳам фақат метод мазкур муаммони ечишга яроқли эмаслиги, яъни «ёмон», самарасиз эканлигини англатиши мумкин.

Тилшунослик фанининг ўрганиш соҳаси бўлган тилни ҳар томонлама таҳлил қилиш Фан тараққиётига мос методларни тақозо этади .

Ҳар бир соҳани таҳлил этувчи ҳар қандай метод қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим.

1. Метод обектив бўлмоғи керак . Методнинг қўлланиш вақти ва ўрнидан қатъий назар, натижа бир хил бўлиши лозим. Субъектив ёндашувлар метод қийматига салбий

таъсир кўрсатади .

2 . Метод изчил бўлиши , аниқ тушунчаларга асосланиши лозим .

3 . Метод универсал бўлиши , яъни соҳанинг асосий бўлимланиши (камида тўртта) таҳлил қила олиши керак .

4 . Метод фойдаланиш мумкин бўлган даражада содда бўлиши лозим .

Тилшуносликда талаб даражасида бўлган бир неча метод қўлланади Бу методлар характериға кўра икки хил :

а) умумий методлар;

б) лингвистик таҳлил методлари .

Ушбу методлар бир – бирига боғлиқ ҳолда иш кўради ва муайян хулосаларни баён этади .

Умумий методлар ижтимоий соҳанинг барча кўринишлари учун амал қиладиган методлардир . Жумладан , умумийдан хусусийга , хусусийдан умумийга , анализ – синтез , оддийдан мураккабга томон таҳлил қилиш методлари деярли барча соҳаларда амал қилади .

Лингвистик таҳлил методлари тилшуносликнинг ўзи учунгина хос бўлиб , шу фанга доир илмий хулосалар беришга хизмат қилади .

Ҳозирги замон тилшунослигида лингвистик таҳлил учун қуйидаги методлар қўлланади;

гап бўлаклари методи;

тарихий – қиёсий метод;

субституция (алмаштириш) методи;
дистрибутив метод;
таркибий қисмларга ажратиш методи;
трансформатсион метод;
статистик таҳлил методи;
кўламини таҳлил қилиш методи.

Гап бўлаклари методи тилшунослик тараққиётининг дастлабки даврлариданоқ амалда бўлган. Бу методга кўра гаплар бўлакларга ажратилади . Бунда сўзнинг гапдаги вазифасига асосланилади . Гап бўлаклари таҳлили куйидагича амалга оширилади .

1. Гапнинг бош бўлаклари (эга ва кесим), иккинчи даражали бўлаклари (тўлдирувчи , аниқловчи , ҳол)ажратилади .

2. Гап бўлаклари вазифасида қайси сўз туркуми келтириляётганлиги аниқланади .

3.Гап бўлаги вазифасида келаётган сўзларнинг грамматик шакллари (морфологик категориялар) изоҳланади .

Ушбу метод фақат синтаксис бўлимида амал қилади . Бу методни қўллашдаги мураккабликлар деярли барча тилларда кузатилади.

Субституция методи , алмаштириш усулига асосланади. Нутқдаги маълум бир ўринда турган тил бирликлари ва бошқа муқобили билан алмаштирилиб , ҳосил бўлган услубий

ўзгаришлар таҳлил қилинади . Бу метод ёрдамида синоним , антоним, омоним сўз ларнинг луғавий маъно тизимида тутган ўрни белгиланади.

Тавсифий метод_- тилшуносликдаги энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса, у тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга. **Тавсиф қилиш методи** тилдаги турли ҳодиса ва маълумотларни, унинг сатҳи ва бирликларини изоҳлаб беради. Бу метод ёрдамида турли тилларнинг фонетика ва стилистикаси шарҳлаб берилади. Унинг ўзига хос жиҳати объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Унинг ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади. Тавсифий метод маълумотлари бошқа методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради, у ҳам тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради.

Тарихий-генетик (генеологик)метод – тилларнинг фонетик, лексик-грамматик бирликларини қиёслаб, уларнинг ўхшаш белгиларини аниқлаш асосида муайян тил оилаларига бирлаштириб ўрганиш тарихий-генетик метод ҳисобланади. Тарихий-генетик методнинг ҳақиқий асосчиси Маҳмуд Кошғарий ҳисобланади. У туркий тилларни ҳоконича-туркча, қипчоқ, ўғуз гуруҳларига бўлган ҳолда, бу гуруҳлар ўртасидаги фонетик, лексик-грамматик фарқланишлар ҳақида изчил маълумот беради. Шу билан бирга мазкур тиллар бир умумий манбадан келиб чикқани ҳақида фикр билдиради.

Кошғарийнинг асари илмий жамоатчиликка маълум бўлмаганлиги сабабли тарихий-генетик метод (19-асрга қадар) немис олими Август Шлейхер номи билан боғлиқдир. У ҳинд-европа тил оиласини ўрганган ҳолда, бу оилага мансуб тиллар бир аждоддан, яъни бир бобо тилдан келиб чиққан деган хулосага келади. У тилшунослик тарихида илк бор ҳинд-европа тилини тиклашга ва шажарасининг тарихий тараққиётини кўрсатишга эришди.

Глоттохронлогик метод – тил доимо ўсишда, ривожланишда бўлган динамик ҳодисадир. Ана шундай ўзгаришлар даврлар ўтиши билан йиғилиб, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади. Лингвистик воситалар ёрдамида тилнинг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёт даврларини белгилаш лексикостатистик ёки глотохронологик метод ҳисобланади. Бу метод Америкалик олим Морис Сводеш томонидан қўлланилган. У биология фанларидаги радиоуглерод ёрдамида ёшни белгилаш методини тишуносликка олиб кирди.

Квантитатив метод – лисоний тилларни белгилашда ва тилларни оилаларга бирлаштиришда квантитатив ва тарихий-генетик методлардан кенг фойдаланилади. Квантитатив метод Америка тилшуноси Э.Сепир томонидан қўлланилган бўлса, унинг шогирди Ж.Гринберг томонидан ривожлантирилди. Э.Сепир ва унинг издошлари турли тилларни яхлит ҳолда қиёсий-типологик планда ўрганиш учун ушбу методдан фойдаланган. Ж.Гринберг эса улардан фарқли равишда тилларни бир бутун ҳолда эмас, уларнинг айрим категорияларини, муайян қисмларини бир-бирига қиёслашда ушбу методдан фойдаланган. Бу метод дунё тилларини муайян белгиси асосида маълум гуруҳларга, тилларга бирлаштириш учун қўлланилган методдир.

Структур метод ва унинг йўналишлари - тилшунослик тарихида структурализм XIX - асрнинг 70-йилларида пайдо бўлди. Структур тилшуносликнинг юзага келишига И.А.Бодуэн де Куртене ва Ф.де Соссюр қарашлари асос бўлиб хизмат қилади. И.А.Бодуэн де Куртене тилшуносликка функционалик тамойилини олиб кирди. Бунга асосан лингвистик воситалар нутқ жараёнида бажарадиган вазифасига қараб белгиланади. Бундай тамойил фонетика соҳасида фонема тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Швейцария тишуноси Ф.де Соссюрнинг тилшунослик олиндидаги буюк хизмати шундаки, у синхрония билан диахронияни аниқ фарқлаб берди.

Оппозиция – қарама - қарши қўйиш, зидлов методи тилдаги бирликларнинг парадигматик таснифи учун қўлланилади. Тилдаги барча бирликлар бир-бирларига қарама-қарши бўлиб, ўзаро сўз, морфема, сўз бирликлари, турли грамматик конструксияларни ва гапларни фарқлайди. Оппозитсия методи ёрдамида тилдаги бирликлар ўртасидаги турли қарама-қаршилиқларнинг умумий турларини аниқлаш мумкин (бир ўлчовли – а: б; кўп ўлчовли – а: б::д: каби). Бу зидловларнинг аъзолари ўртасидаги муносабатларни пропорционал ва яққаланган, приватив (+ -белгиси бўйича), поғонали (градуал) (масалан, |и-а|ўртада |е|ни “сакраб” ўтилади, ёки қаратқич келишиги билан чиқиш келишиги оппозицияси ўртасидаги бошқа

келишикларни тушириб қолдиришга асосланган), тенг ҳуқуқли (эквиволент) оппозитсия (масалан, |п-т| |т-к| бир хил белгили: портловчи, жарангсиз) сифатида қаралади.⁴

Дистрибутив методи (инглизча дистрибутсия - тақсимот) ёрдамида тилдаги бирлик ва ва элементларнинг қўлланиш ўринлари ва ҳолати тушунилади. Дистрибутив метод тил бирликларининг нутқ жараёнида бошқа бир бирликлар билан бирика олиш имкониятини таҳлил этади. Дистрибуцияни “синтактик имконият” сифатида изоҳ –

лаш мумкин. Масалан, бирор сўз, морфема, фонеманинг бошқа сўз, морфема, фонема билан муносабатга кириш имконияти шу бирликларнинг дистрибутсяси дейилади.

Дистрибуциянинг морфологик, синтактик ва лексик – семантик турлари мавжуд.

Морфологик дистрибуция бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумдаги сўз билан муносабатга кира олишидир: сифат билан от, равиш билан феъл.

Тилдаги бирор унли товушнинг дистрибуцияси унинг сўзнинг боши, ўртаси ва охирида, урғули ёки урғусиз ҳолатда, очик ёки ёпиқ бўғинда бўлишини кўрсатади. Бирор элементнинг умумий дистрибутсяси деганда, унинг барча қўлланиш ҳолатлари ва бошқа элементлар билан бирикиб келиши тушунилади.

Одатда тўрт турли дистрибутсия фарқланади:

1. Икки элементдан бири учраган ўринда иккинчиси учрамаса, улар бир-бирларига нисбатан **тўлдирувчи дистрибуцияда** бўлади. Масалан, |п,т,к| ундош товушлари унлилардан олдин, икки унли ўртасида сўз охирида келганда, аспиратсияли, бошқа ўринларда, ундошлар билан ёнма-ён келса, аспиратсиясиз товушлар ҳисобланади. Демак, аспиратсияли |п^х,т^х,к^х| товушлар учраган ўринда аспиратсиясиз |п,т,к| товушлари учрамайди. Шу сабабли бу товушлар |п,т,к| фонемаларининг икки турли аллофонлари ҳисобланади.

2. Контраст дистрибуция гўё зидловни эслатади. Бир ўринда қўлланиб, маънони фарқлашга хизмат қилувчи элементлар контраст дистрибутсия дейилади: ток-пок-нок сўзлари бошидаги ундошлар контраст дистрибутсия бўлиб, шу сўзларни фарқлайди. Бундай сўзлар минимал жуфтликдаги сўзлар дейилади. Сўз бошидаги |п,т,к| товушлари фонемаларнинг аллофонларидир.

3. Эркин вариация. Бир хил ўринда учраса ҳам маънони фарқлай олмайдиган элементлар эркин вариацияда бўлади. Масалан, ўзбек тилида |е| унлиси сўз бошида очик (эшик, эчки каби) ва бошқа ҳолатларда ярим очик талаффуз этилиши унинг турли вариацияларини кўрсатади. Бу дистрибутсия баъзан эквивалент (муқобил) дистрибутсия деб аталади.

4. Қисман эквивалент дистрибуция икки турли элемент бир ўринда баъзан ишлатилиши, лекин маънони фарқлай олмаслиги билан изоҳланади. Масалан, “тароқ” сўзи |тароқ| ва |тароғ|, “чолғу” сўзи |чолғу| ва

⁴ Bu oppozitsiyalar lisoniy va mantiqiy jihatdan asoslangan. Qarang: Трубецкой Н.С. Основы фонологии. М.: 1960, -с. 31-84.

| чалғу | каби талаффуз этилиши шу сўзларнинг маъноларини фарқламайди. Аслида эса, талаффузда алмашилган товушларнинг ҳар бири турли фонемаларнинг аллофонларидир.

Трансформация методи - тилдаги элементлар ва бирликларнинг турли гапларда бошқача йўл билан қайта тузишда қўлланилади. Трансформациянинг синтаксисдаги элементларни ўзгартиришда қўлланувчи оддий турлари: ўрин алмаштириш, қўшиш, қисқартириш ва тушириб қолдиришдир. Бу методни АҚШ олими З.Харрис таклиф этган ва кейинча уни шогирди Н.Чомский алоҳида илмий тадқиқ этган. Бу метод математика ва мантиқдаги баъзи тушунча ва тамойиллардан фойдаланади.⁵ Трансформацион метод замонавий усуллар ичида энг мукаммали ҳисобланади.

Ушбу метод тилдаги синтактик жараённи тушунтириш имконига эгаллиги билан характерлидир .

Агар бир турдаги элементларга эга бўлган икки ва ундан ортиқ конструкциялар бир хил ўринда учрасалар, уларни трансформалар дейилади. Масалан, қурувчилар Тошкентда жуда кўп чиройли бинолар қурдилар – гапида трансформалар қуйидагича бўлиши мумкин: Тошкентдаги жуда кўп чиройли бинолар қурувчилар томонидан қурилди (пассив конструкция). Жуда кўп Тошкентдаги чиройли биноларни қурувчилар қурдилар. Жуда кўп чиройли биноларни Тошкентда қурувчилар қурдилар ва ҳ.к. Юқоридаги трансформалар гапнинг бирор маъносини ўзгартиришга ҳам хизмат қиладилар. Агар шу гап асосида диалог тузсак, ундаги элементлар ўз ўрнини ўзгартиради, тушиб қолади ва тўлдиради.

- Биноларни ким қурган?
- Тошкентдами?
- Ҳа, уларни қурувчилар қурган.
- Ҳа, ўша чиройли биноларни...

Трансформация методи фақат синтаксисда эмас, балки стилистик трансформация шаклида ҳам қўлланмоқда. Унда синтактик стилистика учун энг зарурий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Трансформация методи ҳам лисоний бирликларнинг парадигматик муносабатларини ўрганишга йўналтирилган. Ушбу методнинг олдингилардан фарқи шундаки, унинг асосида бир тизим таркибидаги бирликларнинг бир-бирига ўтиши, бири иккинчисидан «туғилиши» ёки ясалиши ғояси ётади.

Тил бирликларининг қандай тузилиши, ўзаро ўрин алмашинувига оид мисол ва фактлар тилшунослар диққатини олдиндан жалб этиб келар эди. Бу ходисалар, айниқса, матн таҳрири жараёнида бир синоним сўзлар ўрнида иккинчисини қўллаш, стилистик жиҳатдан маъқул кўринган синтактик қурилмаларни топиш амалиётида яққол кўзга ташланиб туради. Лекин бундай амаллар натижаларининг тилшунослик соҳасидаги аҳамиятини илмий асослаш биринчилардан бўлиб Санкт-Петербурглик олим акад. Лев

⁵ Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. М.: 1974, -с. 252.

Владимирович Щербага насиб этган экан. Олим тилшунослик назариясига тажриба (эксперимент) тамойилини жорий қилишни тақлиф қилади ва нутқий тузилмаларни турли кўринишларда ўзгартириш йўли билан назарий хулосаларининг тасдиқловчи ёки инкор этувчи материал тўплаш мумкинлигини исботлаб берди. Шундай қилиб, лисоний тажриба илмий тадқиқотнинг ва трансформацион методнинг асосий амалига айланди.

Трансформацион методнинг илмий тадқиқот методи сифатида тўлиқ шаклланиши ва унинг турли вариантларининг яратилиши америкалик тилшунослар З.Хэррис, Д.Уорс, Н.Хомскийлар номлари билан боғлиқдир. Дистрибутив таҳлилнинг камчиликларини бартараф этиш истагида бўлган тилшунослар трансформация усулига мурожаат қилишди. Бу усул ҳозирги пайтда синтаксисда кенг қўлланилмоқда ва синтактик тузилмаларнинг турли ўзгартириш қонуниятлари бу бирликларнинг умумий тизимда тутган ўрнини аниқлаш имконини бермоқда.

Ҳар қандай гап тузилиш ва таркиб жиҳатидан ўзгаришларга бўлган имкониятларига нисбатан тажриба синовидан ўтиши мумкин ва ушбу гап айнан шу трансформация имкониятлари ўлчови асосида у ёки бу синтактик турлар қаторидан ўрин олади. Бундан ташқари, ушбу синовлар жараёнида гап бўлаклари, унинг ташкилий қисмларининг семантик хусусиятлари, синтактик муносабатлари ҳам аниқланади ва бу жиҳатдан трансформацион метод дифференциал маъно хусусиятлари таҳлилин тўлдиради, унинг исботловчи амалига айланади.

Трансформация методини лисоний тажриба усули сифатида гап бўлақларининг синтактик-семантик хусусиятларини аниқлашда кенг миқёсда қўллаш имконияти мавжудлигини кўйидаги мисоллар таҳлилида изоҳлаш мумкин: Rachel was looking at him – with her honest brown eyes «Рачел унга тикилиб турган эди – ростгўй кўй кўзлари билан» ва Rachel was there – with her honest brown eyes «Ростгўй кўй кўзлари Рачел ўша ерда эди» гаплари қиёсланганда Rachel бўлагининг агентивлик маъносига эга эканлигини, иккинчисида эса бу фарқловчи семантик хусусият йўқлигини кўрамай. А.М.Мухин (1980: 278) биринчи гапдаги агентив ситаксемани иккинчисидаги субстанционал синтаксемадан фарқлаш учун трансформация усулига мурожаат қилишни маслаҳат беради: Rachel was looking at him----- He has been looked at by Rachel. Иккинчи гап эса бундай мажхул даражага ўтказиш трансформациясига «бўйсунмайди». Худди шунингдек, олим his hair was long «унинг сочи узун эди» синтагмасидаги was long бўлаги квалитатив (сифатловчи) синтаксемалар қаторига киришини ушбу синтагманинг аниқловчили тузилмага трансформация қилиниши имкониятида кўради: his hair was long -----his long hair «унинг сочи узун». Қиёсланг (Мухин 1990: 258): the greatness of Charles Strickland was authentic «Чарлз Стрикленднинг буюклиги ҳақиқий эди» ----- The authentic greatness of Charles Strickland «Чарлз Стрикленднинг ҳақиқий буюклиги».

Синтаксисда трансформация методидан икки асосий мақсадда фойдаланилади:

- 1) тизимлаштириш мақсадида (бир гапнинг иккинчисига «ўтиши»

қоидаларини аниқлаётиб, биз уни синтактик муносабатлар қаторида тутган ўрнини аниқлаймиз);

2) таснифлаш мақсадида (трансформация ўзгартиришлари жараёнида гап бўлақларининг «хулқ-атвори»га қараб, биз уларнинг синтактик-семантик вазибаларини аниқлаймиз ва таснифлаймиз).

Ушбу икки мақсаднинг фарқига нисбатан трансформация методи қўлланилганда, трансформация синтези ва трансформация таҳлили амаллари фаоллашади.

Булардан трансформация таҳлили тасниф мақсади кўзланганда фаоллашади ва унинг асосида гаплар ва уларнинг таркибий бўлақларини алмаштириш (ўзгартириш) йўли билан тил бирликларининг тизимий хусусиятлари аниқланади ва улар маълум гуруҳларга тақсимланадилар.

Таҳлил ва тасниф мақсадлари кўзланганда, трансформациянинг қуйидаги амаллари бажарилади:

1) дастлаб кичик гуруҳдаги тузилмаларнинг трансформациялари доираси аниқланади ва бу трансформациялар жараёнида луғавий таркиб сақланиб, грамматик морфемалар ўзгариши мумкинлиги шarti қўйилади;

2) ҳосил бўлган трансформация шакллариининг гуруҳ рўйхати тузилади (кейинчалик бу рўйхат тўлдирилиши мумкин);

3) барча турдаги трансформалар матн таркибида синовдан ўтказилади ва уларнинг фаоллашув имконияти аниқланади;

4) таҳлил қилинган тузилмалар трансформация фаоллашуви имкониятларига нисбатан маълум гуруҳларга тақсимланадилар.

Трансформация синтези тизимлаштириш мақсадини кўзлайди. Ушбу кўринишда трансформациялар синтактик тузилмаларни яшаш (ҳосил қилиш) қоидалари мажмуасини аниқлаш имконини беради. Бу қоидалар асосида турли кўринишдаги гаплар ўзаро қиёсланадилар ва тизимлаштириладилар.

Трансформация синтезида ҳам трансформация таҳлилида қўлланилган амалларга мурожаат қилинади, аммо бу амалларнинг бажарилишида маълум шартларга риоя қилиш талаби бор. Чунончи, гаплар тузилишини ўзгартиришда луғавий таркиб сақланиши талаби билан бир қаторда мазмун инвариантлиги (ифодаланаётган воқеа-ҳодисанинг бир хиллиги) шarti ҳам қўйилади. Бу шартга биноан «Опаси укаси билан фахрланади» каби гапларни «Укаси опаси билан фахрланади» туридаги трансформага ўтказиш таъқиқланади. Трансформация таҳлилида эса бу турдаги ўзгаришлар одатийдир.

Бундан ташқари, грамматик морфемалар ўзгартирилиши билан ҳосил бўладиган трансформаларнинг ушбу метод доирасидаги талқини ҳам мунозаралидир. Зеро, гаплар трансформациясини таъминловчи грамматик морфемалар ўз таркиби, табиати ва ажратиб олиш усулига нисбатан турли гуруҳларга оиддирлар. Агарда фаранг тилшуноси Ж.Вандрисе (1937) изидан борсак, ушбу морфемаларнинг қуйидаги турларини ажратамиз:

1) сегмент (бўлақ) морфемалари (булар сўз ва гап қисмлари, яъни аффикс, ёрдамчи сўз кабиларни ифодалайдилар);

2) суперсегмент морфемалар, яъни гапнинг грамматик хусусиятини

изоҳловчи, лекин бевосита гап таркибида ифода топмайдиган воситалар (масалан, интонация). Кейинги босқичда сегмент морфемалар ҳам бир неча турларга ажраладилар:

1) алоҳида сўз билан боғлиқ бўлган морфемалар (аффикслар);

2) алоҳида сўз билан боғлиқ бўлмаган морфемалар (предлог, послелог, боғловчи, юклама кабилар).

Турли гуруҳларга оид морфемаларнинг трансформация амалларининг бажарилишидаги ўрни ва роли мос келмайди. Шу сабабли уларнинг барчаси ҳам бир хилда трансформация синтези амаллари талабларига жавоб бера олмайдилар. Гапларнинг трансформалари муқобиллигини фақатгина шакл ясовчи морфемалар таъминлайди, сўз ясовчилар эса бу қобилиятга эга эмас, деган фикр ҳам мавжуд (Исаченко 1963: 67-68). Лекин бу қоидадан чекиниш ҳоллари ҳам йўқ эмас: *У ҳаяжонланмоқда – У ҳаяжонда; Менинг дўстим санъатга қизиқади – Менинг дўстимнинг санъатга қизиқиши кучли.*

Бизнингча, трансформацион амаллар доирасидан сўз ясовчи морфемаларни тўлиғича чиқариб ташлаш мумкин эмас. Бу синтаксис ва сўз ясаш тизимлари ўртасидаги боғлиқликни йўқотишга олиб келиши муқаррар. Турли грамматик морфемалар ўзгариши трансформаларнинг ҳар хилда бўлишига олиб келиши ҳақида гапирсак, маъқулроқ бўлар эди.

Луғавий бирликларнинг трансформация шаклларига таъсири генератив грамматикада бирмунча батафсил ва мухтасар ёритилган. Ушбу грамматиканинг асосий ютуқларидан бири синтаксисни аниқ тизим сифатида тасаввур қилиш ва унинг бирликларини ўзаро муносабатда бўлган воқелик кўринишида ёритиш имкониятини исботлаб берганлигидадир.

Аммо ушбуни қайд этиш билан биргаликда, трансформация методини ҳар қандай нуқсондан холи усул сифатида тарғиб қилиш истагида эмасмиз. Аксинча, унинг амалиётда қўлланишида учрайдиган кўплаб тўсиқлар ушбу метод ўз илмий моҳиятини ҳануз тўлиқ топмаганлигидан гувоҳлик беради. Энг хавфлиси, трансформация амаллари айрим ҳолларда тажриба субъекти – тадқиқотчининг шахсий нуқтаи назари, танловдаги ихтиёрийлик доирасидан тўлиқ чиқа олгани йўқ.

Майдон методи. Бу методни лексик-семантик майдон ёки грамматик-лексик майдон⁶ ва баъзан майдон назарияси⁷ деб юритишади. Албатта, унинг қўлланишига кўра номини аташ мумкин. Жумладан, сўзнинг барча маъноларини аниқлашда семантик майдон методи қўлланади. Грамматикада турли сўз туркумларининг маънолари ўрганилса, уларни грамматик-лексик майдон методи ёрдамида ўрганилади. Бунда энг кўп қўлланивчи лексик-грамматик бирликнинг маъноси унинг ядроси, кам қўлланивчилари периферияси деб номланади. Тилшуносликда ҳали номаълум бўлган тилларни илмий ўрганишда қўлланивчи “майдон тилшунослиги”⁸ ни майдон методи билан аралаштирмаслик керак. Майдон тилшунослиги ўрганилаётган

⁶ Гулыга Е.В., Шендельс Е.Н. Грамматико-лексические поля в немецком языке. М., 1968, -с. 5-17.

⁷ Щур Г.С. Теории поля в лингвистике М., 1974.

⁸ Кибрик А.Е. Методика полевых исследований (к постановке проблемы) Изд. МГУ, 1972, - с.179.

тил она тили бўлган шахсни (уни одатда “информант” дейилади) турли анкета ва тестлар ёрдамида саволларга жавоб олиш йўли билан материал тўплайди, фонетик транскрипция қўллайди, тилдаги асосий фонологик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятларни тўплаб таҳлил қилади, баъзи тахминий фикрларини келтиради ва зарур бўлса таржимадан фойдаланади. Майдон тилшунослигида қўлланувчи тамойил ва воситалар тилларни қадимий ўрганиш йўллари эслатади. Бу усуллар қалам ва қоғоз ёрдамида тилни билувчи шахсларнинг талаффузига кулоқ солиб, улардаги хусусиятларни аниқлашни ёдга солади. Тилни ўрганишда, умуман, кузатиш, тавсиф қилиш, қиёслаш, тажриба (эксперимент) ўтказиш, дистрибуция, трансформация, маъно майдонини аниқлаш, харита тузиш (тил ёки шеванинг тарқалгани ҳақида – уни **лингвогеография дейилади**), турли тил бирликлари, элементлари ва воситаларини статистик текшириш ёрдамида қанча ва қаерда учраши метод ва тамойиллари қўлланади.

Таркибий қисмларга ажратиш методи ҳар қандай бутунликни, хусусан гапни ҳоким ва тобелик муносабатида бўлган қисмлардан иборат сифатида таҳлил этади. Бу метод

грамматик сатҳда : морфология ва синтаксисда амал қилади.

Статистик таҳлил тилнинг барча сатҳларида қўлланади, шунинг учун универсал ҳисобланади. Бу метод тил бирликлари ва тил ходисаларининг нутқда ишлатилиш даражасини аниқ кўрсатиб беради.

Маъно кўламини таҳлил қилиш методи сўзнинг луғавий маъно кўламини алоҳида маъно қирраларига ажратиб таҳлил этади. Бу метод кўп маъноли сўзларнинг маъно кўламини ёритишда аҳамиятлидир.

Умуман, тилшунослик соҳасига хос энг умумий ва хусусий қонуниятларни аниқлашда лингвистик методларнинг ўрни беқиёсдир.

Анализ – объектни тажрибада ёки фикран қисмларга ажратиш ва уларнинг хусусиятларини аниқлаш амалидир. Демак, бу амал яққанинг хусусиятлари асосида умумийлик, яхлитликни билиш учун замин яратади (масалан, кимёда мураккаб модданинг молекуляр таркиби таҳлили ёки тилшуносликда сўз морфем тузилиши таҳлили). Аммо у ёки бу объектнинг моҳиятини тўлиқ очиш учун уни қисмларга ажратиш ва алоҳида хусусиятларни ўрганиш етарли эмас. Бунда қисмлар ва уларнинг алоҳида хусусиятлари ўртасидаги муносабат, алоқалар тартибини аниқлаш лозим бўлади ва бу ҳолда анализ амали бевосита синтезга бориб такалади.

Синтез ҳам мантиқан ёки тажриба жараёнида бажариладиган амалдир. Унинг бажарилиши жараёнида анализ усулида ажратилган қисм ва хусусиятлар бир бутунликка тўпланадилар ва объектни яхлит ҳодиса сифатида ўрганиш шароити туғилади. Синтез усули яхлитлик таркиб топишининг ички механизмини аниқлаш имконини беради (масалан, кимёда атомларнинг қайси муносабатлари, қай йўсиндаги бирикишлари асосида модданинг ҳосил бўлиши, тилшуносликда морфемаларнинг қай йўсинда бирикишидан сўз таркиб топади қабилар). Синтез амалининг умумийлаштириш хусусияти файласуфлар берган таърифда ўз ифодасини топади: «Тадқиқот жараёнида анализ билишнинг тайёргарлик кўриш босқичи

ҳисобланса, синтез уни яқунлайди. Синтез орқали умумий тушунча, муҳокамалар таркиб топади».

Илмий фараз лисоний тадқиқотлар учун ҳам одатий ҳолдир. Тилшуносликка маълум ҳодисаларни қиёслаш асосида тилларнинг ўтмиш ҳолатини қайта тиклаш мақсадини кўзлаган қиёсий-тарихий методнинг тадбиқ қилиниши тиллар қариндошлиги ҳақида фаразларга асосланади. Тиллар қариндошлигини белгиловчи фаразлар уларда маълум турдаги ўхшаш хусусиятлар мавжудлигига таянса, тилларнинг нотекис ривожланиши ҳақидаги фаразлар эса уларнинг турли-туман хусусиятларга эгаллиги билан изоҳланади.

Аслида тилларнинг ўтмишини қайта тиклаш мақсадининг ўзи ҳам фаразлар асосида фикрлашдан бошқа нарса эмас. Масалан, «соқол» маъносидаги инглизча *beard*, олмонча *bart*, полякча *b`roda*, русча «борода» сўзлари қиёсидан қадимги *borgd* ўзаги мавжуд бўлганлиги ҳақидаги хулосага келиш фараз қилинаётган шакл-ку! Лекин фақатгина шу хилдаги фараз асосида ҳақиқатан мавжуд бўлган далилларнинг тарихий ривожини, уларнинг у ёки бу тилда қандай пайдо бўлганлигини изоҳлаш мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Тавсифий тилшуносликнинг таҳлил методлари дедуктив фаразларга асосланади. Масалан, дифференциал (фарқловчи) хусусиятлар таҳлили лисоний бирликларнинг ўзаро муносабатда бўлиши, тизимлилик хусусиятига эгаллиги ва тизимдаги ўрнига нисбатан ажратиб олиниши ҳамда таснифланиши мумкинлиги ҳақидаги фаразга асосланади. Луғат тизимига нисбатан дистрибутив таҳлилнинг қўлланиши эса сўз маъноси ва унинг бириктириш қобилияти ўртасида мутаносиблик (алоқа) мавжуд, деган фаразга таянади. Бундай мисоллар қаторини кўплаб давом эттириш мумкин.

Фаразлар воситасида воқеликни билиш жараёнида туғиладиган саволлар, вазифаларни ечишга ҳаракат қиламиз. Лекин фараз фақатгина эҳтимоллардан иборат ва бу эҳтимоллар тадқиқот жараёнида ўз тасдиғини топиши ёки инкор этилиши мумкин. Кўйилган муаммо ҳақида фараз тўғри ва исботли бўлиши унинг мавжуд далилларга мос келиши билан боғлиқ. Далиллар асосида исботланган фараз илмий назария ёки ғоя шаклини олади. Лекин фаразнинг далилларга мос келишини ўта оддий тасаввур этмаслик керак.

Тадқиқот объектини идеаллаштириш ҳаракати *мавҳумлаштириши* ва *мантиқий тажриба* ҳаракатлари билан ҳамкорликда бажарилади. Мавҳумлаштиришнинг энг кенг тарқалган турларидан бири *тенглаштириши* (*ўхшатиши*)дир. Тенглаштириш билан боғлиқ мавҳумлаштиришда биз кузатилаётган предметларнинг айрим индивидуал хусусиятларини «унутиб», улардан умумийликни излаймиз ва шу умумий белгилар асосида уларни бир хил, ҳатто баъзан ягона бир предмет сифатида қабул қиламиз. Бу турдаги мавҳумлаштириш нафақат мақсадли тадқиқот воситасигина бўлиб қолмайди. Бундай ёндашув инсон билиш фаолиятининг барча босқичларида мавжуд бўлади ва шу сабабли умумлаштириш амали нутқий фаолиятда доимий равишда воқеланадиган ҳодисадир: масалан, «дарахт» сўзи воситасида барча

турдаги дарахтларни ифодалаш мумкин.

«Умумийлик» (ёки «айнанлик») тушунчасининг қўлланиши бирмунча шартлидир. Бир гуруҳдаги предметларни маълум бир нуқтаи назардан тенг, бир хил деб қараш мумкин бўлса, бошқача ёндашувда улар турли предметлар сифатида қабул қилинадилар.

Мавҳумлаштириш кузатиш натижаларига асосланади ва ушбу натижаларни аниқ бир ёндашув асосида умумлаштиришдан иборатдир. Шу йўсинда биз ўрганилаётган объектлар ҳақида шундай тушунчаларга эга бўламизки, бу тушунчалар объектларни идеаллаштирган ҳолда акс эттирса ҳам, аслида уларнинг моддий кўринишини назарда тутати. Лекин мавҳумлаштириш амали жараёнида умуман моддийлик хусусиятига эга бўлмаган объектлар ҳақида тушунча ҳосил қилиниши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак. Бундай мавҳумлаштирилган тушунчалар қаторига, масалан, нуқта, чизиқ, текислик каби геометрик тушунчалар ҳам киради.

«Номоддий» объект тушунчаси тилшуносликда ҳам ўз ўрнини топган. Масалан, «нол флексия» («нол морфема») тушунчасини олайлик. Бу флексия сўз шаклларида ўз ифодасини топмайди, уни фақатгина сўз ўзгартувчи морфема мавжуд бўлган шакл билан қиёслангандагина ажратиш мумкин. Масалан, *У китоб сотди* ва *У китобни сотди* тузилмалари қиёсланганда, китоб сўз шаклида тушум келишигининг нол флексияси мавжудлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин. Худди шунингдек, инглиз тилидаги *a book* ва *books* ҳамда ўзбек тилидаги *китоб* ва *китоблар* шакллари қиёсида бирлик сони нол морфема воситасида ифодаланади деб айтиш мумкин.

Предмет ва ҳодисаларнинг ботиний (бевосита кузатувдан яширин ҳолдаги) хусусиятларини билиш учун шакллантириладиган «номоддий» мавҳум объектларни *конструкт* деб аташади.

Компонент таҳлил методи. Компонент таҳлил (КТ) дифференциал таҳлилнинг лексик тизимга тадбиқ этилиши натижасида юзага келадиган таҳлил усулидир.

Луғавий бирликлар, худди бошқа сатҳлардагидек, тил тизимида маълум тартибдаги гуруҳларни ташкил қиладилар ва маънолари жиҳатидан (ушбу гуруҳлар доирасида) ўзаро парадигматик муносабатларда бўладилар. Бундай парадигматик дастурларни «мавзувий гуруҳлар» ёки «лексик-семантик гуруҳлар» (ЛСГ) деб атайдилар. Масалан, куйидаги мавзувий гуруҳларни ажратиш мумкин:

1) уй жиҳозлари номлари: стол, стул, шкаф, кресло, диван, сандиқ, тахмон ва ҳ.к.

2) метеорологик ҳодисалар: шамол, қор, ёмғир, изғирин, тўфон, бўрон ва ҳ.к.

3) қон - қариндошлик атамалари: ота, бола, она, қиз, ўғил, ака, ука, тоға, жиян, хотин, қайнота ва ҳ.к.

4) ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзлар: хурсандчилик, хафалик, шодлик, мамнунлик, нафрат, завқ, шафқат ва ҳ.к.

5) инсон интеллектуал фаолиятини ифодаловчи феъллар: ўйламоқ, иккиланмоқ, фикрламоқ, билмоқ, фараз қилмоқ, тушунмоқ, эсламоқ, унутмоқ

ва ҳ.к.

Ҳар бир мавзувий қатор ушбу гуруҳга кирувчи сўзлар ўртасида тақсимланадиган умумий «маъно доирасини» қамраб олади. Бу қатор доирасидаги ҳар бир сўз маъноси бошқасиникига мослашади. Улар семантик умумийликка эгадир ва айна пайтда, бир-биридан фарқ қилади. Шу асосда уларни қарама-қарши қўйиш ва қиёслаш йўли билан ҳар бир сўзнинг маъносини компонентларга (бўлақларга) ажратиш мумкин. Ушбу дифференциал маъно хусусиятларини аниқлаш КТ нинг асосий мақсадидир.

КТ методи қисман луғатшунослик амалиёти билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Маълумки, изоҳли луғатларда сўзларнинг маъноси уларнинг бошқа сўзлар билан бўлган семантик алоқалари асосида изоҳланади. Маъноларнинг бу усулда изоҳланиши турли сўзларни уларнинг семантик белгилари умумийлиги асосида маълум лексик-семантик гуруҳларга ажратиш имконини яратади. Шунинг билан бир қаторда ушбу гуруҳланиш жараёнида қисман бўлса-да, сўзларнинг фарқловчи маъно хусусиятлари ҳам инобатга олинади. КТ да луғатшунослик амалиётининг ушбу тажрибасига таянилади ва фарқловчи белгилар тизимлаштирилади.

Юқорида айтилганидек, тил луғат бойлиги таркибидан маълум ЛСГ ларнинг ажратилиши КТ нинг зарурий илк босқичидир. Бу гуруҳлар таркибига маъно жиҳатидан маълум бир умумийликка эга бўлган, воқеликнинг алоҳида бир парчасини акс эттирадиган луғавий бирликлар киради. Воқеликнинг маълум қисмларга ажратилиши билан боғлиқ ментал фаолият кўп босқичли фаолиятдир. Шу сабабли турли кўринишдаги ЛСГ ларнинг ажратилиши ҳам кўп босқичлидир.

Масалан, тирик мавжудотларни атовчи бирликлар бирикадиган ЛСГ жонсиз предметлар номлари гуруҳига қарама-қарши қўйилади. Бу умумий гуруҳ таркибида қушлар номлари лексик-семантик гуруҳ, масалан, балиқ турлари атамалари гуруҳидан фарқланади. Худди шу каби, инсоний ҳис-туйғулар билан боғлиқ сўзлар гуруҳини кейинги босқичда ижобий ва салбий ҳис-туйғулар лексик-семантик гуруҳларига тақсимлаш мумкин.

Бирор бир лексик-семантик гуруҳ таркибига кирувчи сўзлар умумий семантик хусусиятга эга бўлиши сабабли ушбу хусусиятни ягона бир сўз билан аташ эҳтимоли туғилади. Кўпинча бу сўз ушбу ЛСГнинг ўзидан танланади ёки бу вазифани махсус шартли белги бажариши ҳам мумкин. Масалан, ҳаракат феъллари ЛСГни ажратаётиб, умумий семантик белгини «ҳаракат қилиш» сўзи билан аташ ёки билан белгилаш умумий қайд этилган ҳодисадир.

Агар ажратилган ЛСГ бошқа бирор катта ҳажмдаги гуруҳ таркибига кирса, ушбу ЛСГ сўзларининг икки ва ундан ортиқ умумий маъно хусусиятига эга бўлиши табиийдир. Бинобарин, салбий эмоция ЛСГ таркибидаги сўзлар учун «эмоционаллик» ва «салбийлик» семантик хусусиятлари умумлашуви бир хилда ҳосилдир.

Маълум қатордаги сўзларни ягона бир ЛСГ таркибига бириктирувчи умумий семантик хусусият айна пайтнинг ўзида гуруҳларни бир-биридан фарқлаш учун ҳам асос бўлади (ушбу гуруҳларни ўзаро қиёслаш ва қарама-

қарши қўйиш учун мантикий асос бўлган тақдирда). Буни биз салбий ҳис-туйғуни ифодаловчи сўзлар гуруҳида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу ҳолатда «салбийлик» хусусияти «ижобийлик» хусусиятига қиёсан маълум бир ЛСГ ни ажратувчи семантик белгига айланади.

Компонент таҳлил жараёнида ҳар бир сўз маълум бир ЛСГ га тобе бирлик сифатида қаралади. Шу сабабли КТнинг объекти алоҳида сўз бўлмасдан, балки тўлиқ таркибдаги лексик-семантик гуруҳдир. Лекин КТ охир-оқибатда алоҳида сўзларнинг маъно ҳажмини, унинг барча ҳолатларда намоён бўладиган семантик хусусиятларини аниқлаш мақсадини кўзлайди.

Сўзсиз, КТнинг тадбиқ қилиниши миқдор жиҳатидан чегараланган ЛСГ ларда осонроқ кечади. Шу сабабли бўлса керакки, қарийб барча семасиологияга оид рисола ва ўқув қўлланмаларида мисол тариқасида қон-қариндошлик атамалари гуруҳига изоҳ берилади «Ота», «Она», «ўғил», «қиз», «амма», «хола», «амаки», «тоға», «келин», «куёв», «ака», «ука», «почча», «янга» каби лексемалар «қариндошлик» маъно хусусияти умумийлигига асосан ягона бир гуруҳга бирикадилар. Аммо ушбу сўзлар бошқа турдаги маъно белгилари фарқига нисбатан қарама-қарши қўйиладилар: а) жинс: аёл (1) – эркак (2); б) авлод: бир авлод (3) – турли авлод (4): олдинги авлод (4) – кейинги авлод (5); в) қариндошлик даражаси: қондошлик (бевосита) (6)- билвосита қариндошлик (7).

Бундай қиёслаш асосида қуйидаги дифференциал (фарқловчи) маъно хусусиятлари қатори ажратилади: Р1-2, 3-(4-5), 6-7 ва шу хусусиятлар асосида ушбу ЛСГга кирувчи барча сўзлар маъноси маълум турдаги фарқловчи белгиларнинг бирикмаси ёки тўплами сифатида ёритилади. Масалан, «она» сўзининг маъноси 2,4,6 хусусиятлар тўпламидан иборат (аёл жинсидан олдинги авлодга тобе бевосита қариндош); «хола» сўзининг маъносини эса Р 2, 4, 7 хусусиятларнинг бирикиши ташкил этади (аёл жинсидаги олдинги авлод, бевосита қариндош); «куёв» сўзи, ўз навбатида, Р 1,5,7 маъно хусусиятлар тўпламидан ташкил топади (эркак жинсидан кейинги авлод, билвосита қариндош).

Бошқа ЛСГ лар таркибидаги сўзларни ҳам худди шу йўсинда КТ дан ўтказиб, уларнинг маъно хусусиятларини аниқлаш мумкин. Бинобарин, салбий беихтиёр эмоция ЛСГ га кирувчи сўзлар қуйидаги хусусиятлар асосида ўзаро қиёсланадилар (Ахманова ва бошқалар 1969: 65-77):

1) ҳис-туйғунинг пайдо бўлиш характериға нисбатан:

а) бирламчи (ташқи таъсирға бевосита бўлган ҳис-туйғу жавоби): алам, ўкинч, қаҳр-ғазаб, жаҳл, зарда қабилар.

б) иккиламчи (олдинги эмоционал ҳолат таъсирида туғилладиган ҳис-туйғу): нафратланиш, ғазабланиш, аччиқланиш, зарда қилиш қабилар;

в) яширин эмоция: ғазаб, аччиқ, қоникмаслик, норозилик қабилар.

2) ҳис-туйғунинг кечиш ҳолатиға нисбатан:

а) пассивлик: алам, ўкинч, қаҳр, зарда қабилар;

б) фаоллик: ғазабланиш, нафратланиш, жаҳл қилиш қабилар;

в) назорат қилиш имконияти мавжудлиги: аччиқ қилиш, қоникмаслик, алам қилиш қабилар.

д) назоратнинг йўқолиши: қутуриш, зарда қилиш, қаҳр қилиш кабилар.

3) даврийлиги:

а) давомлилик: қаноатланмаслик, қониқмаслик, алам, ғазаб кабилар.

б) тугалланганлик: қутуриш, қаҳр, жаҳл, зарда кабилар.

Ҳар қалай, бирор бир ЛСГ таркибига кирувчи сўзларни умумий маъно хусусиятлари асосида таҳлил қилиш жараёнида ушбу сўзлар семантикасини тўлиғича ёритиш имконияти анчагина чегараланганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бундан ташқари, ЛСГларни ажратиш амали ҳам айрим ҳолларда қийин кечади. Шу сабабларга кўра ҳозирча бирор тил луғат бойлигини ташкил қилувчи сўзлар туркумларининг маълум гуруҳлар бўйича тўлиқ тақсимотини акс эттирувчи луғат ёки бошқа турдаги асар ҳозирча йўқ. Бироқ КТ маҳсулдор ва истиқболли лисоний тадқиқ методи эканлигини инкор этиб бўлмайди, зеро, ушбу метод воситасида кўплаб семасиологик муаммолар ечимига йўл топиш мумкинлиги ўз исботини аллақачон топган. Масалан, ушбу методнинг полисемия ва омонимия ҳодисаларига оид қатор саволларга жавоб излашда қўл келиши тажрибада синаб кўрилган. Украиналик тилшунос М.И. Задорожнийнинг фикрича, ташқи кўриниши бир хил бўлган сўзларнинг алоҳида маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги ёки йўқлиги умумий маъно хусусияти мавжудлиги мезонида қаралади. Бундай ҳолларда сўзлар (ёки маъно компонентлари) ўртасидаги «семантик масофа»ни қуйидаги формула ёрдамида ўлчаш мумкин:

$$Sab = 1 - \frac{Ma \cap Mb}{Ma \cup Mb}$$

Бу ерда Sab – а ва b маънолари ўртасидаги «семантик масофа», Ma – а маънонинг бўлаклари тўплами, Mb – в маънонинг бўлаклари тўплами,

\sim - тўплалар кесими белгиси (мос келадиган маъно хусусиятлари миқдори), \sim - тўплалар бирикуви белгиси (барча маъно бўлаклари йиғиндиси).

Ушбу формулага асосан алоҳида маънолар ўртасидаги семантик масофа нолдан биргача бўлиши мумкин. Масалан, «кўрмоқ» 1 (кўриш ёрдамида идрок этиш) ва кўрмоқ 2 (сезиш, англаш) ўртасидаги бундай масофа қуйидагига тенг:

- 1) идрок қилиш – идрок усули;
- 2) кўриш воситасида;
- 3) тасаввурда;
- 4) идрокнинг натижаллиги.

КТ тадбиқ этилаётган сўзларнинг синтагматик хусусиятлари инобатга олинган ҳолда бажарилса, лексик синонимлар таснифи осон кечади. Чунки луғат бирликларининг фарқловчи маъно хусусиятлари бир хил имкониятга эга бўлмайдилар. Уларнинг айримлари сўзларни кўринишдаги фаоллашувида фарқлаш имкониятига эга бўлса, бошқаларининг маънолари эса қарама-қарши қаторларда нейтраллашуви ҳеч гап эмас. Бундай сўзлар матнда ўзаро ўрин алмашадилар. Тенг ҳуқуқли ўрин алмашинув синоним сўзларни аниқлашнинг асосий усулларида биридир.

Глоттохронология – қардош тиллар ёшини яъни уларнинг бўлиниш

тарихини аниқлаш методидир. У 1951-52 йилларда америкалик лингвист М. Свадеш томонидан таклиф қилинган. Бу метод, шунингдек, «лексикостатистик» деб ҳам аталади. Барча тиллар учун луғат бойлигининг янгилашиш тезлиги деярли бир хилдир. М.Свадеш келтирган маълумотларга кўра, 215 та сўздан иборат бўлган сўзлар рўйхатидан минг йил давомида 15-24% фоизи ўзгариб, қолганлари ўзгаришсиз қолади.

Структурализм тилшуносликдаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб, унинг асосий мақсади тилшуносликни бошқа фан соҳаларидан чегаралаш ва тилни тизимлилик тамойиллари асосида ўрганишдир.

1925 йилда Прагада Вилем Матезиус (1882-1945 йй.) «Прага лингвистик тўғараги»га асос солиди ва кейинчалик бу тўғарак структуралистлар мактабига айланди. Структурализмнинг 3 мактаби мавжуд: 1) Прага структурализи (функционал лингвистика), 2) Америка структурализи (дескриптив лингвистика), 3) Копенгаген структурализи (глоссематика).

Прага мактаби куйидаги қарашларни ҳимоя қилган: 1) лингвистика – мустақил фан; 2) тил фактларини тилнинг тизимлилиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарур; 3) тил – функционал тизимдир.

Америка структурализмнинг асосчиси Ф. Боас (АҚШлик этнограф ва тилшунос)дир. Унинг фаолияти ёзувга эга бўлмаган Америка ҳиндуларининг тилларини тасвирлаш билан боғлиқ бўлган. Шу асосда дескриптив, яъни тасвирий тилшунослик вужудга келган. Тилни таҳлил этишда структурализм тарафдорлари шаклга эътибор қаратишиб, тилнинг маънога эга томонини назардан четда қолдиришган ва инсон тилини ҳайвонлар тили ёки механикага тенглаштиришган (Сепир, Блумфильд).

Учинчи мактаб – Копенгаген мактабидир. Бунда глоссематика (лотинча *glossa* сўзидан) йўналиши вужудга келади. Бў йўналиш номи даниялик тилшунос Луи Ельмслев томонидан берилган. 1943 йилда Ельмслев «Лингвистик назария асослари» китобини чоп этади. Глоссематика тилни ташқи белгилар тизими, абстракт муносабатлар схемаси сифатида таҳлил этади. Глоссематиклар «унча қулай бўлмаган тилларни» «қулайроқ тиллар» билан «маданий жиҳатдан унчалик қадрли бўлмаган»ларини «маданий кадрга эга бўлганлари» билан алмаштиришга чақиради. Глоссематика тарихийлик ва тиллар ўртасидаги қардошликни инкор этади.

Глоссематикада назария устувордир, тил структуралари умумлаштирилади, тилшуносликнинг мантиқ ва семиотика билан синтези амалга оширилади. Бунинг барчаси ушбу оқимнинг ижобий хислатларидир. Бошқа томондан эса, унда талайгина салбий хусусиятлар ҳам бор. Масалан, лингвистиканинг математика, фалсафа, мантиқ ва бошқа фанларга тобелиги, структура ва муносабатнинг абсолютлаштирилиши, фонеманинг товуш сифатига эга бўлмаслиги ва «бўш бирлик» – сенема сифатида кўрилиши, шунингдек, сўз ва гапнинг фақат формал жиҳатдан таҳлил қилиниши ва ҳ.к. Бу жиҳатдан глоссематика тил воқелигидан ажралган назарий қарашлар тўпламига айланиб қолади. Чунки тилнинг моҳияти унинг мулоқот функциялари, фикр таъсири ва ифодасида намоён бўлади.

Глоссематиклар сўзни жуда формал тарзда ҳар қандай ҳарф ёки икки

интервал билан ажратилган ҳарфлар кетма-кетлиги сифатида белгилайдилар. Глоссематиклар гапни ҳам шундай формал тарзда белгилашиб, уни нуқта (сўроқ ёки ундов белги) билан чегаралашади, холос.

Кўра инновация турлари (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги, бизнес тизимидаги инновациялар). Киритилган ўзгаришлар характериға кўра инновация турлари (локал инновациялар, модулли инновациялар, тизимли инновациялар). Келиб чиқиш манбаига кўра (ички ёки ўзлашган инновация).

Тил бу белгилар тизими. Белгилар эса муайян маънони ва уни ифодалаш воситасининг умумлашмасидир.

Инсоният жамиятида мулоқот, ўзаро фикр алмашинувнинг рўй бериши, яъни қандай воситалар билан ахборотни бир-бирларига узатиш, бу воситаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг қандай қўлланилиши, қандай ўзгаришларға дучор бўлиши ҳақидаги фан *семиотика* (грекча «сема» - белги) деб аталади (Кравченко 2001: 20).

Семиотика фанининг асосчиси америкалик файласуф Ч.Пирс (1839-1914) биринчилардан бўлиб, ўзи асослаган фанининг текшириш объектини (жамиятда фойдаланадиган турли белгилар системаси), белгиларнинг моҳиятини ва ўзаро муносабатларини аниқлаб, тасниф қилди.

Тилшунос олимлардан семиотика фанининг ривожланишиға Фердинанд де Соссюр катта ҳисса қўшди. У тилни белгилар системаси сифатида таърифлайди. Агар Ч.Пирс семиотика фанининг асосчиси ҳисобланса, Соссюрни, том маънода, тилни белгилар системаси сифатида ўрганадиган умумий тилшуносликнинг бир бўлими – лингвосемиотика фанининг асосчиси деб аташ мумкин.

Тил белгиси моддий тузилмадир. У воқеликдаги предметни, хусусиятни, муносабатларни англатади. Тил белгиларининг мажмуи белгилар системасининг вужудға келишиға олиб келади. Ушбу система муайян фикрий (мантиқий) мазмун (ифодаланмиш) ва фонематик жиҳатдан бир-бирларидан ажрала оладиган белгилар (ифодаловчи) йиғиндисидан иборат. Лисоний белгининг бу икки аспекти инсон онгига доимий боғлангани ҳолда турғун бирикувни ҳосил қилади ва ижтимоий аҳамиятға молик маънони англатади. Бу иккала аспектнинг ажралмаслиги, ягона бутунлиги асосида борлиқнинг муайян бир бўлаги, яъни алоҳида воқеа ва ҳодисалар инсон онгида ўз аксини топади ва лисоний ифодаланади (Лосев 1982: 30-31).

Белгининг ҳар иккала аспекти бир-бириға боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади, ammo тил тизимининг умумий ассиметрия қонунларига бўйсунди.

Энг типик лисоний белги сўздир. Чунки инсоний билимларнинг барчаси ва предметларни образлари орқали билиш аждодларнинг фикрлаш жараёнининг натижаси сифатида сўзларда ўз ифодасини топган. Шундай қилиб, сўз бирлиги кумулятив маъноға эға, у яъни илгаридан жамланиб келинаётган ахборотлар йиғиндисидан иборат.

Айрим сўз бирликларида ифодаланган маъно инсоният тўплаган тажрибаларнинг, уларни ўраб турган оламдаги факт ва ҳодисаларнинг схематик инъикоси бўлиб, улар тавсифловчи, таърифловчи белгиларни, яъни

тўлиқ маъноли сўзларни ҳосил қиладилар.

Бошқа тил белгилари ифодалайдиган маънолар (олмошлар, предлоглар, боғловчилар) тил белгилари орасидаги ички муносабатларни, мураккаб лисоний белгилар – гаплар таркибида фикрнинг турли муносабатларини ифодаловчи ахборотдан иборат.

Алоҳида ички тизим орқали ифодаланадиган маънолар, масалан, ўзига хос маъно англатувчи белгилар сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи морфемалар бўлиб, улар маъно ифодалайдилар ва шу сабабли уларни айрим ҳолларда «ярим белгилар» деб ҳам аташади (Back, Harnish 2000: 44-46).

Сўз белгисининг асосий фарқловчи хусусиятларидан бири у ифодалайдиган маънонинг (ифодаланмишнинг) босқичли принцип асосига қурилганидир. Зеро, ҳар қандай сўз белгиси ифодалаган шакл фонемалардан, ҳар қандай тилда чегараланган миқдордаги «семасиологиялашган» (И.А. Бодуэн де Куртенэ) товушлардан ташкил топади. Улар турли бирикувлар орқали объектив борлиқдаги, инсон фаолиятининг барча жиҳатларига оид тушунчаларни номловчи бирликларни ясаيدилар. Сўз бирлигининг қуйи босқичида турувчи иштирокчилари фонемаларнинг фарқловчи белгилари бўлиб, улар фақат перцептив (ҳис қилиш, идрок қилиш) функциянигина эмас, балки дистинктив (фарқловчи) функцияни ҳам бажарадилар. Дифференциал белгили фонемалар ўзига хос «белгиларнинг белгиси» (К.Л.Бюлер, О.С.Ахманова, Ю.С.Степанов), «фигуралар» (Л.Ельмслев) деб ҳам талқин қилинади.

Шундай қилиб, сўз белгиси умумий билишга оид вазифадан ташқари, тилнинг кичик структуравий (фонема, морфема) ва катта (сўз бирикмалари, гап) бирликларини идентификациялаш (ажратиш) вазифасини ҳам бажаради.

Бу бирликлар тил белгиларининг мураккаб тизими сифатида икки томонлама ифодаланиши билан характерланади, зеро, улар дастлаб воситалар системасида (предмет ва ҳодисаларнинг маъносини англатиш учун), кейин эса нутқда коммуникантлар ўртасида ахборот узатиш, прагматик таъсир ўтказиш учун ишлатилади (Макеева, Целенко 1998).

Лисоний белгилар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва шунингдек, бири-биридан ажралган ҳолда ишлатилмайди. Ҳар қандай тил элементи у ёки бу система, микросистема, қатор доирасида сайқалланган намуналар асосида икки турдаги структуравий ўзгаришлар, яъни парадигматик ва синтагматик бирикув қонуниятларига кўра қўлланилади.

Хуллас, лисоний белги қуйидаги хусусиятларига нисбатан тасниф қилиниши мумкин:

1. Белги яшаш тамойилига (усулига) кўра:

а) белги яшашнинг семиологик усулига кўра (лексик морфемалар, тўлиқ маъноли ва ёрдамчи сўзлар);

б) иккиламчи маъно англатувчи белгилар (Э.Бенвенист). Улар семантик интерпретация тамойилига биноан фарқланадилар (булар қаторига барча дискурсив – нутқий бирликлар киради);

2. Фикрнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлигига кўра лисоний белги тўлиқ (гап) ёки тўлиқсиз (сўз, сўз бирикмаси) бўлиши мумкин;

3. Нутқ ҳаракатига боғлиқ ва боғлиқ эмаслигига нисбатан лисоний белги виртуал (нутқда фаоллашмаган) ёки актуал (фаоллашган) бўлиши мумкин. Масалан, сўз белгиси маъносини фаоллаштириш уч босқичда амалга ошади:

а) сўз-лексема, семантик жиҳатдан бўлинмас виртуал белги (масалан, «уй»).

б) сўз бирикмаси семантик жиҳатдан алоҳида белгилардан ташкил топади (масалан, «эски уй», «ота уйи»);

в) сўз қўлланиши–жумлада тўлиқ фаоллашган сўз белгилари (масалан, «Бу уй арзон сотилади»).

Мисолларда келтирилган охириги икки лисоний белги ўзаро оппозицияга эга: виртуал сўз белгиси (лексик системада) – актуал сўз белгиси (нутқ актида); Улар ўртасидаги оралиқ узв маълум даражада фаоллашган сўз белгиси – тил лексик тизимининг элементи (бирлиги).

4. Асосий хусусиятлари умумийлигига кўра (категориал маъносига, нутқда бажарадиган функциясига, қўлланиш доирасига кўра) тил белгилари семиологик синфларга ажратилдилар:

а) характерловчи – тўлиқ маъноли сўзлар;

б) идентификацияловчи – атоқли отлар;

в) квантитатив – сонлар;

г) дейктив белгилар – субъектив, объектив ва ички структурал муносабатларни ифодаловчи сўзлар (кишилиқ, кўрсатиш ва бошқа олмошлар);

д) боғловчи сўзлар (релятив) – предлоглар, боғловчилар.

Нутқий хусусиятга эга структураси ва ифодалаган маъносига кўра турли-туман бўлган, нафақат вазиятни, балки «фикр маҳсули» бўлган ходисаларни, фактларни ифодаловчи тўлиқ лисоний белгилар алоҳида семиологик гуруҳни ташкил қилади.

Тил тараққиётининг ҳозирги босқичида меъёрлашув, намуналашиш, табақаланиш, «интеллектуаллашув», глобаллашув, интернационаллашув ва демократлашув каби турли жараёнлар кечмоқдаки, уларнинг умумий тил тизимига, у нутқий мулоқот фаолиятига таъсири бир хилда кечмайди.

Меъёрлаштириш ёки стандартлаштириш сўзлашув тили ва ёзма тил услубларини бир қолипга тушириш, улар орасидаги фаркни йўқотиш ҳаракатидир. Бунда адабий тилнинг диалектларга таъсири ва ўзаро таъсир натижасида худудий диалектларнинг аста-секин йўқолиши кўзда тутилади. Бу хилдаги жараённинг бошланиши бадий адабиёт тилининг «камбағаллашуви», унинг грамматикаси ва луғатининг намуна ва норма вазифасини бажара олмай қолишига сабаб бўлади, инсонлар бадий адабиётдан кўра матбуот, радио, телевидение, реклама тилига кўпроқ дуч келишади. Натижада оммавий ахборот воситалари тили билан адабий тил нормаларини мувофиқлаштириш муаммоси келиб чиқади. Бундай глобал ходисаларнинг асосий сабаби меҳнат фаолияти жараёнидаги интеграциядир ва бу эса, ўз навбатида, мулоқот фаолиятини жадаллаштирувчи қандайдир бир «умумий тил» яратиш заруратини илгари суради.

Тилнинг табақаланиши эса социолектлар (муайян худуддаги бир гуруҳ,

бир ёшдаги, бир хил маданият даражаларидаги одамларнинг мулоқотидаги ўзига хосликлар), «профессиолектлар» (маълум шаклдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг мулоқот тили) каби қатламларнинг фарқланишидир. Тил тараққиётидаги бу анъана илмий-техникавий тараққиётнинг, янги касблар, замонавий коммуникация воситаларининг вужудга келиши натижасидир. Масалан, ҳозирги даврда дунёдаги барча тилларнинг луғат таркибида янги атамаларнинг яратилиши, синоним, омоним сўзларнинг кенг тарқалиши, контекстуал маъно ролининг ошиши билан боғлиқ луғавий табақаланиш ҳодисаси кенг тарқалмоқда.

Тилнинг «интеллектуаллашуви» - умумий мулоқот тилига илмий тилга хос хусусиятларнинг кенг миқёсда кириб келишидир. Бу ҳолатда лисоний мулоқотнинг аниқликка, бир маъноликка, ифода воситаларини тежашга бўлган интилиши кузатилади. Бунинг сабабларидан бири фан ва техника тараққиёти, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлигидир. Интеллектуаллашув тил системасининг лексик, фонологик ва морфологик қатламларида ўз аксини топади. Масалан, ҳозирги немис тилида бу ҳодисани кўйидаги жараёнларда кўриш мумкин: 1) луғат таркибига махсус илмий-техникавий атамаларнинг кўп миқдорда кириб келиши (масалан, «Plast»- дастлаб бу термин органик кимёга мансуб эди, ҳозирги пайтда у «сунъий мато» маъносини англатади.); 2) тилда мавжуд бўлган луғат бирликларининг махсус семантик маънога эга бўлиши.

Тилнинг интернационаллашуви – умумий тилнинг бир неча тилларда мавжуд бўлган, бир хил шакл ва маънода ишлатилувчи янги сўзлар билан бойишидир. Тилларнинг интернационаллашувида инглиз тили муҳим ўрин тутди. Лотин, юнон ва бошқа тиллар асосида ҳам янги интернационал сўзлар вужудга келмоқда. Масалан, олмонча: «Autopilot» - автопилот, «Antikriegs film» - урушга қарши фильм; ўзбекча: «мониторинг», «лицей», «траффик», «гендер» кабилар.

Тилнинг демократлашуви – бу ёзма ва сўзлашув тилининг бир-бирларига яқинлашувида. Бу ҳодиса сўзлашув тилидаги бирикмаларнинг ёзма нутққа кириб келишида ўз аксини топади. Масалан, немис тили ёзма нутқида мустақкам ўрин олган «Fernsehen» - «телевидение» сўзи ёшларнинг сўзлашув тилида «Television» сингари қўлланилади, асос сўз «Tele» эса айрим қўшма отларнинг ясалишида ишлатилади: «Tele - Theater» - телетеатр, «Tele - Klub» - телеклуб; Қиёсланг: ўзбекча «Теледебат», «Телеўйин».

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатларини ифодаловчи «тил маданияти» масаласининг ўрганилиши долзарб муаммо эканлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш мумкин.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари масаласини ўрганар эканмиз, маданиятнинг кўп қиррали ва кўп аспектли ҳодиса эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўз навбатида, тил ҳам мураккаб қурилма сифатида маданиятнинг турли қисмлари билан бир хил муносабатларга киришавермайди. Аммо, тилнинг маданиятнинг турли элементларига таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас (Сафаров 2006).

Инсоннинг тил маданияти унинг маънавий оламида муҳим ва залворли

ўрин эгаллайди. Унда тарихий босқичнинг, тизимнинг, у ёки бу ижтимоий-иқтисодий қурилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топади. Улар тил қурилишида унинг асосий лисоний хусусиятларнинг ўзгаришларида, стилистик воситаларнинг идрок қилинишида, мулоқотнинг ўзига хос (махсус) шаклларида, шунингдек, тилнинг ижтимоий фаолиятдаги вазифаларида ҳам ўз ифодасини топади. Шу сабабли «тил маданияти» тушунчаси турли тарихий даврларда турлича мазмунга эга бўлган.

Тил маданияти, энг аввало, илмий хулосалар ва ижтимоий амалиёт натижалари асосида ўрнатилган, лисоний фикрлашнинг аниқлигини таъминлайдиган тил нормалари, унинг луғат бойлиги, фразеологик захирасидир.

Тил маданияти ҳодисасини унинг тараққиёти нуқтаи назаридан ўрганиш учун қуйидаги тадқиқ йўналишларига мурожаат қилиш лозим:

1) орфография (замонавий тизимни архаик хусусиятлардан тозалаш мақсадида орфографияни илмий асосларда ислоҳ қилиш борасидаги тадқиқотлар);

2) нутқнинг товуш (оҳанг) томонини ўрганишга оид тадқиқотлар (бу тадқиқотлар фақат орфоэпиягагина доир эмас, балки талаффузнинг мулоқотни амалга оширишдаги вазифасини ҳам қамраб олади);

3) морфология. Тил маданияти муаммоси грамматикага ҳам дахлдордир, бироқ грамматик тизимда тил маданияти бошқача йўналиш олади. Зеро, тил маданияти назарияси мустақил равишда морфологик норма яратишга қодир эмас. Норма тил тизимининг ўзида вужудга келади, тил маданиятининг унга таъсири билвоситадир;

4) синтаксис. бу соҳани тил маданияти доирасида ўрганишда оғзаки ва ёзма нутқ синтаксиси ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади;

5) тил маданиятини стилистик фарқлар нуқтаи назаридан ўрганиш;

б) тил маданиятини семантик нуқтаи назардан ўрганиш луғат таркибини меъёрлаштириш ва атамалар тизимини тараққий эттириш имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ.

Нутқ узусига боғлиқ бўлган социолингвистик ҳодисалар қуйидагилардан иборат:

1) адабий тил фаолият доирасининг кенгайиши;

2) миллий тилнинг алоҳида вариантларининг ички интеграцияланиши; адабий тил ва маҳаллий диалектлар орасидаги фарқлар тобора камая боради. Бу кўплаб мамлакатлардаги урбанизация жараёнининг жадаллашуви, жамият тизимининг ўзгариши туфайли рўй беради.

3. Нутқ узуси адабий тил нормаларига катта таъсир ўтказа бошлаган янги зиёлилар авлодининг шаклланиши.

Барча табиий тиллар фикр ифодалашнинг универсал системаларидир. Тил ёрдамида маданият ривожининг турли босқичларида турган ҳар қандай жамоа барча турдаги коммуникатив эҳтиёжларини қондиради. Ҳозирги замон адабий тилларининг характерли хусусиятларидан бири, масалан, юқорида зикр қилинган «интернационаллашув» ва «интеллектуаллашув»дир. Бунинг

натижаси ўлароқ, барча мамлакатларда, нафақат миллий ўз-ўзини англаш ва она тилига, унинг маданиятига, балки тилларнинг луғат таркибини бошқа тиллар орқали бойитишга ҳам эътибор кучайди (Бушуй 2003: 120-124). Масалан, Жанубий - Шарқий Европа тилларида XX аср давомида ижтимоий-сиёсий атамалар тизими шаклланишига назар солсак, у ўхшаш ўзгарувчан коммуникатив вазиятлар шароитида юзага келган ҳамда янгидан вужудга келган маънавий ва моддий маданиятга оид тушунчалар ҳисобига бойиганлигини кўрамиз. Аммо бу жараён турли тилларда турлича йўллар билан кечди. Масалан, болгар тилида луғат таркибининг бойиши кўпроқ рус тилидан кириб келган сўзлар ҳисобига рўй берди. Румин тили француз тили, янги грек тили қадимий юнон тили ҳисобидан бойигани кузатилди. Албан тилида эса, она тили элементларидан янги сўзлар яшаш анъанаси, серб-хорват тиллари рус тилидан ўзлаштириш ва она тили захирасидан фойдаланган ҳолда янги сўзлар ясалиши билан характерланади. Дикқатга сазовор томони шундаки, болқон тилларининг ўзаро муносабатлари уларнинг ижтимоий-сиёсий лексикасида қарийб ўз аксини топмади ва ушбу тилларда инновацион жараёнлар кўпроқ нолисоний факторларнинг таъсири ҳисобига кечди.

Тиллараро муносабатларга тил маданияти назарияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ўринда академик Л.В.Щербанинг қуйидаги ибратли фикрини келтирмоқ жоиз: «Янги тушунчаларни номлаш учун тилнинг ўзида сўз топилмаса, ўзга тиллардаги тайёр сўзлардан, айниқса, улар байналминал кўринишда бўлса, фойдаланишдан чўчимаслик керак. Мабодо, янги тушунчани ўз воситалари билан ифодалаш имконияти бўлса (сўз яшаш ёки кўшма сўзлар тузиш), албатта, ўз луғат таркибини бегона элементлар билан тўлдирмаслик яхши. Бироқ, бу икки ҳолатнинг чегаралари шунчалик нозикки, уни махсус лингвистлик, адабиётшунослик сезгиси билангина пайқаш мумкин. Бироқ, бу сезги албатта мистик характерга эга эмас ва у филологик тарбия натижасида шаклланади» (Щерба 2000: 117).

Ҳозирги пайтда жаҳонда миллий тилларни атамалар яратиш ҳисобидан бойитиш борасида катта тажриба тўпланди. Масалан, малай тили қуйидаги принциплар асосида ясалган атамалар орқали ўз таркибини бойитмоқда:

1. Дастлаб умумфойдаланишда бўлган сўзлар асосида атамалар яратиш. Масалан, «бирга қочмоқ» маъносидаги малазийча «selari» сўзи илмий тилдаги «параллел» маъносида ишлатилади;

2. Мумтоз малазий тилининг луғат бойлиги семантик ўзлаштира сўз манбаи вазифасини бажаради. Масалан, «жисм» - олдин «тана, вужуд»ни англатиб, ҳозирда «осмон жисми» маъносидаги тушунчани ифодалайди.

3. Илмий атамаларнинг бир қисмини атамаларга айланган диалектга оид сўзлар ташкил қилади. Масалан, кедах ва келантан диалектларидаги «охир», «якун» маъносидаги «sut» сўзи илмий терминологияда бошқа маънода ишлатилади. Шунингдек, семантик деривация, калькалаш, фонетик ўзгартириш ва бошқа сўз яшаш усуллари билан ҳам фойдаланилади (Istilah pendiekan Melayu- Inggeris... 1996).

Тил маданияти социолингвистик ҳодиса сифатида мажмуавий хусусиятга эга. Тил маданияти деганда, адабий тилнинг асосий

конуниятларини ва ўзига хос хусусиятларини, унинг ижтимоий нормаларини (орфоэпик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик воситаларини) онгли ва мустаҳкам ўзлаштириш тушунилади. Бунга адабий тилнинг функционал услубларини ҳам киритиш мумкин. Тил маданияти доирасига тилнинг жамиятда тутган ўрнига боғлиқ бўлган ҳодисалар ҳам мансубдир. Барча диалектлари билан муносабатда бўлган адабий тил маданийлашади.

Тил маданияти масалаларини ўрганишда ҳар бир адабий тил ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиши ва бу хусусиятларнинг мулоқот муҳити ва вазияти билан боғлиқлиги ҳисобга олинади. Адабий тил нормалари ҳам динамикдир ва унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ифода воситаларининг вариантлилигидадир.

Тил маданияти учун ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, миллий онг, маданий омилларнинг таъсири тилнинг ички тизимий ўзгаришлари фаоллиги, меъёрлаштириш сиёсатининг таъсирчанлиги катта аҳамиятга эгадир.

Тил нормасига таъсир қилувчи ички жараёнлар қаторига, биринчи навбатда, сўзлар полиморфизмининг чекланганлигини ва аналитик конструкциялар салмоғининг ошиб бораётганлигини киритиш мумкин. Бу жараёнлар таъсирида муқобиллар миқдори ошиб бормоқда. Уларни баҳолаш ва энг маъқул вариантларини танлаш бугунги кундаги кўплаб мамлакатларнинг меъёрийлаштириш борасидаги сиёсатининг долзарб масаласи ҳисобланади.

«Тил маданияти» тушунчаси умумий «маданият» тушунчаси доирасида унинг бошқа соҳалари билан боғлаб ўрганилади.

Ўтмишда тил маданияти энг аввало пуризм (тилни ёт унсурлардан тозалаш) ғояси билан боғлиқ ҳолда ўрганилган ва у назарий тилшунослик тамойилларидан анча йироқ бўлган. Ҳозирги пайтда тил маданияти мустақил илмий предмет сифатида шаклланаяпти.

Тил маданиятининг асосий ўлчови сифатида, қандайдир бир мавҳум меъёр (софлик) эмас, балки тилнинг ўз асосий вазифаларини бажара олиш қобилияти қабул қилинди. Ҳозирги замон тил маданияти фани ўз олдига эркин ва аниқ нутқий мулоқотни таъминлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Масалан, Европада бу ишга Прага тилшунослик мактаби ўзининг катта ҳиссасини қўшди (тилга функционал ёндашув, тил тизимининг динамик мувозанати ҳақидаги таълимотлар).

«Тил маданияти» тушунчасини унда сўзловчи шахслар маданияти билан боғлаб ўрганиш зарур. Чунки «тил маданияти» тушунчасида бир томондан тил системаси ва нутқ фаолиятининг, иккинчи томондан, тил ва нутқ орқали юз берадиган ижтимоий ва индивидуал фаолиятнинг диалектик муносабатлари ўз аксини топади.

Тил маданиятининг бу томонлари алоҳида шахс фазилатларининг мажмуасини ташкил қилади. Шу сабабли, тил маданиятини шакллантириш шахсга таълим ва тарбия бериш жараёнида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги масалалар муҳокамаси муҳимдир: 1) шахснинг таълим ва тарбияси жараёнида тил маданияти қандай

рол ўйнайди? 2) таълимнинг турли босқичларида тил маданиятини ўргатиш борасида қандай вазифалар илгари сурилади?

Сўзловчи шахс ва тингловчи нутқий мулоқот жараёнида ўзаро тўрт турдаги *социолингвистик муносабатлар пиллапоясини* эгаллаши қайд қилинган, булар – *юқори, тенг, паст ва нейтрал*.

Бундай даражаланишда нутқий мулоқот иштирокчиларининг «ижтимоий масофа» си (social distance) ҳам ўз ифодасини топади. Бу кўпинча мулоқот жараёнининг «юқоридан пастга» қабилида, суҳбатдошни менсимаслик, буйруқона оҳангда рўй беришига олиб келади. Бундан ташқари, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхши танимаслиги оқибатида рўй берадиган «бетакаллуф» мулоқот тури ҳам мавжуд. Мулоқотда иштирок этувчи шахсларни бир-биридан ажратиб турувчи бу ҳолатлар нутқий мулоқот муносабатларининг даражасини белгилайди. Масалан, ўғилнинг ўз отасига муносабати «пастдан юқorigа» ва «ўзаро яқинлик» даражаларида баҳоланади. Буларнинг ҳаммаси тил маданиятини белгиловчи муҳим омиллардир.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган муносабат даражаларининг бирор бир тилда тўлиқ ифодаланиши қийин масала. Масалан, К.М.Хорненинг кузатишларига кўра, инглиз тили учун кўпроқ «бетакаллуф нейтрал» даража характерлидир (Horne 1995: 77-87). Француз-немис ва испан тиллари эса бу борада «яқин - нейтрал» («close - neutral») ва «узoқ нейтрал» («distant - neutral») даражаларидан фойдаланишади. Айни пайтда, корейс тили юқорида келтирилган даражаларнинг олтитасидан фойдаланиши билан бошқа тиллардан фарқ қилади: «узoқ-юқори» («distant-superior»), «яқин-тенг» («close-equal»), «узoқ-паст» («distant-inferior»), «узoқ-нейтрал» («distant-neutral»), «шахссиз-нейтрал» («impersonal-neutral»), «яқин-нейтрал» («close-neutral»). Яван тилида эса, нутқ даражаларининг сони тўққизтага етади. Яван тиллари доирасида юқори мансабдор шахсларнинг болалари нутқ маданияти даражаларини коллежга ўқишга кириш пайтларидаёқ эгаллаб оладилар.

Нутқий мулоқот даражасини ифодаловчи воситалар турли-тумандир. Шундай бўлса-да, ҳар бир тилда, одатда, қайсидир бир усул устувор характерга эга бўлади. Масалан, тай тилида асосан расмий (protocol) иборалар ишлатилса, яван тилида бундай ҳолда шунга мос лексика танлашга интилишади. Корейс тилида эса, бошқа ифода воситаларидан фойдаланиш истисно қилинмаса-да, грамматик кўрсаткичларга таянилади (Horne 1995: 85-86). К.М.Хорне таклиф қилган бу модел ҳозирги пайтда ижтимоий-маданий ўзгаришлар нутқ даражаларидаги фарқларни камайишига олиб келаётган япон ва бошқа тилларда содир бўлаётган айрим силжиш, янгиликларни аниқ тавсифлашга ёрдам беради.

Нутқ маданияти тил воситаларидан муайян нутқ вазиятига мос ҳолда фойдаланишни тақозо қилади. Сўзловчи турли функционал услублардан эркин фойдаланиши лозим. Ижтимоий коммуникатив фаолиятни муайян қонун-қоидалар асосида ривожлантириш, тил маданияти ва тил сиёсати оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш умуммаданий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Нутқ маданияти ғояси доирасида ривожланаётган назарий йўналишлар куйидагилардир:

- 1) нутқ нормаларининг вариантлилиги;
- 2) нормаларни баҳолашга вазифавий ёндашув;
- 3) адабий тил нормаларининг шаклланиши ва ривожланишида ташқи ва ички (лисоний ва нолисоний) факторларнинг алоқаси;
- 4) миллий тил таркибида адабий тил элементларининг ўрни, роли ва бошқалар.

Нормативлик масалаларига тил бирликлари вазифалари нуктаи назаридан ёндашув маданий мулоқот фаолиятининг лисоний тарбия дастурига айланишига, лисоний ҳиссиётнинг шаклланишига, мулоқот малакасининг ривожланишига, ҳар қандай нутқий вазиятларда жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга мос равишда образли ифода воситаларидан унумли фойдаланишга олиб келади. Бундай ёндашув тил нормасини, адабий тилни, унинг функционал алоқаларини ва диахроник ўзгаришларни тарихан, ижтимоий ва лингвистик жиҳатдан англашни тақозо қилади. Н.Махмудов таъкидлаганидек. «маданий нутқ учун фақат грамматик тўғрилиқ эмас, балки танланган ифода вариантнинг ижтимоий мақбуллиги, ўринлилиги ҳам муҳимдир» (Махмудов 2007: 13). Тил маданияти нутқ маданиятига нисбатан кенг тушунча; Биринчиси, нафақат эшитиладиган нутққа, балки матнга ҳам тааллуқлидир. Нутқ маданияти эса аввал эшитиладиган ва кейин идрок қилинадиган ҳодисадир. Бироқ улар орасидаги барча зиддиятлар лисоний фаолият жараёнида ечилади. Бу жараёнда тил захираларига гоҳ фаол, гоҳ онгли муносабатлар кўзга ташланади ва айнан улар тил маданиятининг моҳиятини ташкил қилади.

Тил маданияти тушунчасининг мазмуни ҳам кўп қирралидир. Масалан, миллий (масалан, немис тили) адабий тилнинг нутқ маданияти шу миллатнинг анъаналари ва ҳозирги эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир ва улар миллий маданиятнинг умумий шарт-шароитлари ва улар тарқалган ҳудуддаги тил қурилиши билан ифодаланади. Масалан, Швецарияда немис тилининг софлиги немис стандарт тилининг софлиги деб эмас, миллий хусусиятларга эга бўлган швецар узусининг немис адабий тили меъёри деб тушунилади.

Шундай қилиб, маданият деганда, инсоният жамияти томонидан яратилган ва шу жамият амал қиладиган хулқ-атворлар мажмуаси тушунилади. Тил умумийлиги дейилганда эса, тарихан шаклланган, бир хил лисоний бирликлардан фойдаланиш, шунингдек, фойдаланиладиган тилга нисбатан мавжуд умумий социал баҳолашлар системаси тушунилади.

Инсоннинг умумий маданияти тил маданияти билан узвий боғлиқ. Инсон умумий маданиятининг ривождаги энг муҳим ютуқлардан бири ўз тилидаги қолақ элементларни йўқ қилишга интилишдир. Бу шахснинг ўз фикрини самарали равишда оғзаки ва ёзма баён қила олиш, тилнинг замонавий лексик ва фразеологик воситаларидан, стилистик захираларидан фойдалана олиш қобилиятини ифодалайди.

Тил маданиятининг тараққиёти ҳам ижтимоий, ҳам лингвистик

омилларга боғлиқ. Ижтимоий омиллар қаторига жамиятнинг муайян даражадаги тараққиёти, иқтисоддаги, халқаро миқёсдаги, фан ва маданият соҳасидаги интеграциялашув анъаналари киради. Бу омиллар лингвистик факторлар билан бирлашиб, ягона бутунликни ҳосил қилади, яъни миллий тилни, биринчи навбатда, адабий тилни илмий англаш орқали тил маданиятининг тўлиқ назарияси яратилади.

Тил маданиятининг назариясини ва амалиётини, социолингвистик асосларини қуйидаги вазифалар фаоллаштиради:

- тил маданиятини тадқиқ қилишни маданият тушунчасининг умумий доирасида ташкил қилиш.

- тилни онгли равишда маданийлаштиришга интилиш (Германия, Венгрия, Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Франция, Туркия).

- фуқароларнинг адабий тилга нисбатан мустаҳкам ва ижобий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган тил ва маданият сиёсатини қўллаб - қувватлаш, чунки тил маданияти борасидаги ҳар қандай фаолият, сўзловчи шахснинг тилга муносабатини эътиборга олиши лозим. Бундан ташқари, ушбу фаолият муайян, олдиндан мавжуд бўлган қоида, йўл-йўриқлар, объектив баҳо шартларига ҳам таянади.

5-мавзу. Тил ўқитишда компьютер лингвистикаси имкониятларидан фойдаланиш

Режа:

5.1. Ўзбек тилини ўқитишда моделлаштириш методидан фойдаланиш.

5.2. Матн яратилиш жараёни модели.

5.3. Матнларни автоматик таҳрир қилиш дастури.

Таянч тушунчалар: моделлаштириш, аппроксимация, лингводидактика, морфем, лисоний педагогика

5.1. Ўзбек тилини ўқитишда моделлаштириш методидан фойдаланиш.

Ўзбек тилини ўқитишда моделлаштириш методидан фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Кузатиладиган объектларни илмий билишнинг бевосита услубларидан яна бири моделлаштиришдир.

Моделлаштириш (қолиплаштириш) эҳтимолли тенглаштириш (аппроксимация) амалининг бир туридир. Бунда бирор бир қиймат бошқа

оддийроқ, кўпроқ маълум бўлган қийматга тенглаштирилган ҳолда ифодаланади.

Одатда, моделлаштириш амалига бирор бир объектни бевосита тадқиқ қилиш ёки уни тасаввур этиш қийинлашса (чунки унинг айрим хусусиятлари ўта яширин ҳолда мавжуд бўлади) мурожаат қилинади. Бундай ҳолда объектнинг ўрнига унинг модели, яъни соддалаштирилган рамзи ўрганилади.

Моделлардан билиш фаолиятида фойдаланиш мантиқий ўхшатиш амали бўлиб, унинг воситасида бир предметнинг хусусиятлари, муносабатларини билиш «ушбу предметнинг бошқа предметлар билан ўхшашлиги мавжудлигини билиш билан боғлиқдир» (Кондаков 1972: 29).

Моделлаштириш турли кўринишга эга бўлиши мумкин: моддий, физик, математик, мантиқий ва ҳоказо. Бу моделлар тузилишида модел ва аслиятнинг ўхшашлиги, тенг томонлари инобатга олинади. Бу ўхшашлик объектнинг ташқи кўринишига, моддий таркибига асосланиши мумкин, фарқ эса ҳажмда кўринади. Лекин уларнинг ўхшашлиги ички тузилишлар айнанлигида, бошқа объектлар билан бўлган алоқаларида ва бошқа мазмуний - вазифавий хусусиятларида намоён бўлади.

Тилшуносликда моделлаштиришнинг турли усулларида фойдаланиб келинмоқда. Анъанавий грамматикада мавжуд бўлган отларнинг турланиши ва феъл тусланишининг турли чизма шакллари моделлаштириш намуналаридир. Бу моделларда сўз грамматик шакллари уларнинг кетма-кетлигини кўрсатувчи аниқ тасвирларда берилган (Ревзин 1967: 17). Ушбу кетма-кетликнинг лисоний муҳитда қандай эканлигини биз билмаймиз, чунки далиллар тўлиқ эмас. Шу сабабли барча далилларни бир жойга тўплаб, модел (қолип) тузамиз ва унинг воситасида турли шаклларнинг ўзаро муносабатини ҳамда уларнинг тил тизимида тутган ўрни, бажарадиган вазифасини аниқлаймиз.

Худди шу йўсиндаги таҳлил усули синтактик бирликларга нисбатан ҳам қўлланилади. Гап ва бошқа бирликларнинг структур ва семантик қолипларини қиёслаш асосида уларнинг таркиби, тузилиш қодалари ҳамда таркибий қисмларининг ўзаро структуравий ва семантик муносабатларини ўрганиш имконияти мавжуд. Моделлаштириш воқеий лисоний ҳодисаларни бевосита билиш учун хизмат қилувчи воситадир.

Моделлаштириш амалининг тилшуносликдаги моҳияти ва роли анча нисбийдир. Шунинг учун ҳам лисоний моделни «тил тизимининг асосий муносабатлари ва алоқаларини намунавий ва соддалаштирилган кўринишда акс эттирувчи фикрий структура» (Гухман 1970: 157) сифатида талқин қилишади.

Маълумки, тил тизими элементларнинг тартиблаштирилган тўпламидир. Ушбу элементлар ўзаро шундай боғланганки, уларнинг барчаси бир-бирига қарам ва ҳар бирининг мавжудлиги ушбу муносабатлар занжирига асосланади, бу эса лисоний таҳлилда мавҳумлаштирилган математик моделлардан фойдаланиш имконини беради. Бундай моделлар рамзий белгилар «либосида» бўлиб, улар воситасида формал амаллар бажариш мумкин бўлса-да, аслиятдан анчагина йироқдирлар. Лекин улар тилнинг энг

умумий хусусиятларини илмий - назарий таҳлил қилиш имконини яратадилар.

Шу тарика *лингводидактика*, *лисоний педагогика* соҳалари ривож топмоқда, бу соҳаларда янги ахборот технологиялари тадбиқи масаласи долзарблашмоқда. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида ахборот технологияларини таълимга тадбиқ қилиш ва масофали таълим марказлари ташкил топди. Бу марказларда виртуал кутубхоналар, мультимедиа ўқув дастурлари, қўлланмалари яратилмоқда.

Тил одамларнинг ўзаро мулоқотга киришувида фойдаланиладиган, уларнинг онгида сақланадиган, бироқ конкрет фикрларидан, ҳиссиётларидан, истакларидан холи бўлган материал бирликлар тизимидир (Джонсон – Лэрд 1988: 234-235).

Морфем – *морфологик сатҳ* асосини морфемалар ташкил қилади. У сўз ва грамматик формалар таркибига киради, талаффузда фонемалар йиғиндисидан иборат ва грамматик шакллар таркибида вариантларга эга бўлади. У ҳам ички бутунликка эга бўлиб, (барча вариантлар учун мазмун бирлиги) махсус белги билан ифодаланди. Бу белги мустақил мазмунга эга эмас.

Сўз яшаш сатҳида тил тизимида мавжуд бўлган сўзларнинг структураси («сўзлар қандай ясалган») ва янги сўзлар яшаш имкониятлари («қандай ясалади?») ҳақида фикр юритилади.

Тилнинг сўз яшаш имкониятлари ушбу тизимни алоҳида сатҳ сифатида ажратишга туртки бўлади. Сўз яшаш моделлари морфологик гуруҳларни (сўз туркумларини) ташкил қилишда иштирок этади, сўзлар орасидаги муносабатларни умумлаштиради, нутқ таркибида қайта воқеланади, модел ички яхлитликка эга (маъно, восита ва ифода усулларининг яхлитлиги). Морфемаларнинг асосий вазифаси сўз яшаш ва сўз шаклларини ўзгартиришдир.

Ўзбек тилидаги сўз ясалиши ўзининг тарихий қонуниятига эга. Сўзшакллар таркиби **асос+сўз ясовчи+луғавий шакл ясовчи+синтактик шакл ясовчи** қолипида бўлади. Сўз ясалиш қолипи эса **асос+сўз ясовчи** кўринишида бўлади. Ўзбек тилидаги сўз ясалишини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

Шахс отларининг ясалиши		
терим	-чи	теримчи
пахта	-кор	пахтакор
тил	-шунос	тилшунос
мулк	-дор	мулкдор
ош	-хўр	ошхўр
кабоб	-паз	кабобпаз
дор	-боз	дорбоз
боғ	-бон	боғбон
Нарса- буюм отларининг ясалиши		

кура	-к	Курак
тара	-қ	Тароқ
ўр	-оқ	Ўроқ
тўпла	-ла	тўплам
ўйин	-чоқ	ўйинчоқ
сачрат	-қи	сачратқи
супур	-ги	Супурги
ўрин	-диқ	ўриндиқ
Сифат ясалиши		
гул	-дор, -ли	гулдор, гулли
гап	-дон	гапдон
жаҳл	-дор	жаҳлдор
ўйна	-қи	ўйноқи
куз	-ги	Кузги
қўрқ	-қоқ	қўрқоқ
мақтан	-чоқ	мақтанчоқ
тарқа	-қ	тарқоқ

Сифат ясовчи қўшимчаларнинг айрим от ясовчи қўшимчалар билан омонимлиги компьютер лингвистикасида ўзига хос мураккабликлар туғдиради. Бу муаммолар контекст мазмуни орқали бартараф қилинади.

Анъанавий грамматикада гап тузилишининг асоси эга–кесим бирикувчи сифатида талқин қилинади. «Х ухляпти» туридаги гапларда Х – эга, «ухляпти» - кесим ҳисобланса, «Х Үни кураяпти» туридаги гапларда эса Х – эга, Ү – кесимнинг кенгайиши. Бундай талқинда келтирилган гап формулалари бир ўринли ёки бир аргументли вазифага эга.

Мантиқий таҳлилда «эга-кесим» ёки бир ўринли структурага эга бўлган гаплар («Аҳмад ухляпти») $f(x)$ формуласида ифодаланади, яъни f – «ухляпти» мазмунини ифодаласа, Х нинг мазмуни «Аҳмад» аргументидир.

Худди шундай формула «Аҳмад Тошматни кўраяпти» гапига ҳам мос келади: f нинг мазмуни кенгайтирилган кесим «Тошматни кўраяпти», ўзгарувчан қиймат Х эса «Аҳмад» аргументини ифодалайди.

Бундай талқинда тушум келишиги шакли «Тошматни» «кўраяпти» кесимининг кенгайиши натижасидир ва «Тошматни кўраяпти» тузилмаси «Аҳмад» аргументининг мураккаблашган вазифасидир.

Баён қилаётган таҳлил услуби генератив грамматика йўналишидаги тадқиқотларда қўлланиладиган усулларга мос келади. Н. Хомский (1973) таклиф қилган гап тузулишининг генератив шакли ҳам «эга-кесим» схемасига мосдир. Н.Хомскийнинг фикрича, ҳар қандай гап тузилиши негизида $S = (V, D)$ схемаси ётади: S (sentence) – таянч рамз; V – терминал бўлақлар рамзи; D – ҳосил қилиш қоидалари.

Н. Хомский (1962 : 430 – 331) «Одам тўпни тепди» туридаги гапларнинг беш таянч рамздан ҳосил бўлишини куйидаги формула мисолида изоҳлайди:

1. $S \rightarrow NP+VP$ (NP – эга гуруҳи, VP – кесим гуруҳи).

2. $NP \rightarrow N$ (от).
3. $N \rightarrow$ одам.
4. $NP \rightarrow$ феъл + N .
5. Феъл – «тепди».
6. $N -$ тўп(ни).

Ушбу гапнинг ҳосил бўлиш жараёни келтирилган қоидаларнинг кетма-кет намоён бўлиши билан боғлиқ:

1. $S \rightarrow NP+VP$
2. $N + VP$.
3. Одам + VP .
4. Одам + феъл.
5. Одам + $N +$ тепди.
6. Одам + тўп + тепди, яъни «Одам тўпни тепди».

Бу кўринишдаги тавсифда гап структурасининг барча бўлаклари эга гуруҳининг ёки кесим гуруҳининг таркибига кирадилар.

Генератив грамматикада ҳам (анъанавий грамматикада бўлганидек) гап бир аргументли функция сифатида талқин қилинади: эга гуруҳи аргумент, кесим гуруҳи эса бу аргументдан юзага келадиган вазифадир. Айтиш жоизки, замонавий мантиқда кўп аргументли функциялар ҳам мавжудлиги эътироф этилади.

«Аҳмад ухляпти» гапи $f(x)$ икки аргументли тузилмадир ва бу ерда f функциясининг мазмунида ҳолат (state) ишораси бор. Ўзгарувчан қийматли f нинг вазифаси X «Аҳмад» аргументи мазмунини ҳам қамраб олади. Шунингдек, «Аҳмад Тошматни кўраяпти» гапи ҳам икки аргументли $f(x,y)$ вазифани ифодалайди. Бу ерда f функциясининг мазмуни «кўраяпти» ҳамда ўзгарувчан қийматлар x ва y ларнинг аргументлари – «Аҳмад» ва «Тошматни» ягона қолипни ташкил қилишади.

Кўп аргументли функцияни ифодаловчи гаплар ($n>1$) муносабатлар тизими сифатида қаралади. «Муносабатлар тизими» тушунчасини қўллашни А. Тарски (1951: 548-588) таклиф қилган.

Ушбу тизим $S=(A,P)$ кўринишдаги чекли кетма-кетлик (давомийликдир) ва бу ерда A – тизими P – тизимдаги элементларнинг u ёки бу муносабатларининг ифодасидир.

Муносабатлар тизимига эга бўлган ҳар қандай гапнинг умумий формуласи $S=(A,P,n,V,\phi,D)$: S – гап, A – алоҳида муносабатлар асосида боғланган предикатлар умумлашмаси ёки алоҳида функциянинг аргументлари тўплами; P – предметларни боғловчи муносабатлар; n – предикатли предметлар (аргументлар)нинг лисоний ифодаси; ϕ – предикатли предметларни ёки улар ўртасидаги муносабатларни лисоний ифодалашда фойдаланиладиган грамматик шакллар; D - юқорида айтилган лисоний ифода турларини аниқловчи қоидалар.

Икки ўринли муносабатнинг биринчи предметини «референт» деб аташса, иккинчисига эса «релят» атамасини беришади.

Г. Райхенбахнинг (1948) фикрича, бир ўринли бўлмаган муносабатни бир аргументли функция шаклида тасаввур қилиш кейинги предметнинг

мураккаб функцияга сингдирилиши натижасидир. Бу ҳолда иккинчи аргумент яширин ифодага эга. Олим айтилган бир ўринли функция ифодасини қуйидаги формулада кўрсатади:

$$q(x) = f(x, y_1)$$

Бу ерда $y_1 - q(x)$ функциясининг яширин аргументидир.

Лекин Г.Райхенбах томонидан келтирилган гапни («Х Вильямнинг ўғли») икки ўринли функциянинг ифодаси сифатида талқин қилган маъқулроқ.

Биринчидан, гап структурасининг бу йўсиндаги талқини икки аргумент ўртасидаги муносабатни конверсив (тескари, биридан бирига кўчувчи) муносабат деб ҳисоблаш имконини беради. Конверсив муносабатлар санок бошига эга бўлганда юзага келади. Масалан, x ва y ўртасидаги муносабат « x у дан баланд» ёки « x у нинг ўғли» ифодаларида тўғри, деб ҳисобланса, « u х дан паст» ёки « u х нинг отаси» ифодаларида тескари, конверсивдир.

Муносабатларнинг конверсивлиги тушунчаси «катта-кичик» ифодасини бир бутунликка боғлаш имконини беради: « x у дан катта» ва « u х дан кичик». Худди шунингдек «ақллироқ – ахмоқроқ»: « x у дан ақллироқ» ва « u х дан ахмоқроқ»; «яхшироқ – ёмон»: « x у дан яхшироқ» ва « u х дан ёмон».

Ҳар қандай гап эга-кесим тузилишидаги структура сифатида талқин қилинишида иккинчи предметни фақатгина кесимнинг кенгайтирилиши кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Лекин бу ҳолда эга ва тўлдирувчини ягона бир муносабатдаги бўлақлар сифатида қараб бўлмайди.

Иккинчидан, гап структурасини муносабатлар тизими сифатида талқин қилиш икки предмет (аргумент) ўртасидаги муносабатнинг *симметрик* ва *носимметрик* турларини фарқлаш имконини беради.

Агарда икки аргумент ўртасидаги муносабат симметрик бўлса, унда икки ўринли функциянинг ифодаси тўғри ва тескари йўналишда ўзгармасдан қолади. Масалан, « x у нинг акаси» ва « u х нинг акаси» тузилмаларида x , u эркак жинсидаги шахслар маъносини олади.

Икки аргумент ўртасидаги муносабат носимметрик бўлган тақдирда тўғри муносабатнинг ифода усули ўзгаради. Масалан, « x у нинг ўғли» тузилмасида x нинг u га муносабати лисоний ифодаси «ўғли (дир)». Бу тузилманинг конверсияси « u х нинг отаси» гапи билан ифодаланади ва бу ҳолда u нинг x га муносабати «отаси(дир)» шаклида ифода топади.

Уч ўринли муносабатни ифодаловчи гаплар b хилдаги тузилишга эга бўлишлари мумкин. Масалан гап a, b, c предметлари ўртасидаги муносабатни ифодалайди десак, унда биргина $R(a,b,c)$ уч ўринли муносабат доирасида 3 бинар (жуфтлик) фарқлари муносабати юзага келади: $a b(r) - b c(r)$. Бу уч жуфтлик муносабатлари биргина уч ўринли муносабат $R(a,b,c)$ нинг олтига вариантини тузиш имконини беради.

Учала предикатли предметнинг ҳар бири ҳам таянч бўлиши мумкин; бу эса биргина муносабатнинг уч вариантдаги тузилишини яратади. Ҳар бир бинар гуруҳ муносабатлар конверсияси имкониятига эга. Бу эса яна уч вариантни ҳосил қилади. Қуйидаги муносабатлар эса муҳокама қилинаётган ҳодисанинг амалда тўрт вариантли бўлиши мумкинлигидан далолат беради:

1.1. $ab - ac - ac$. Автомат чойни қадоқларга жойлайди.

1.2. $ba - bc - ac$. Чойни автомат қадоқлайди.

2.1. $ac - ab - cb$. Автомат чойни қадоқлайди.

2.2. $ca - cb - ab$. Чой автомат (томонидан) қадоқланади.

Ушбу тузилмаларга уч ўринли муносабатларни ифодаловчи гап турлари мос келади.

5.2. Матн яратилиш жараёни модели.

Матн – мураккаб лисоний-тафаккур фаолияти маҳсулидир. Унинг яратилиш жараёнини математик моделлаштириш тилшуносликнинг замонавий соҳалари – математик ва инженер тилшуносликнинг асосий вазифасига айланди. Бундай моделни тузишда матн таркибидаги лисоний ва нолисоний ҳодисаларни бир хилда эътиборга олиш лозим, яъни шуни унутмаслик лозимки, матн таркибидаги нолисоний ҳодисалар моделда мустақил, лисоний категориялар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фаоллашув имкониятига эгадирлар. Матн яратилиш жараёнининг математик моделини таклиф қилган муаллифлардан бири А. Хёчернинг (Höcher 1995) таълимотича, матн – ижтимоий тажриба фаолиятининг бир тури ва унинг асосида константа, яъни ўзгармас элемент туради. Лекин, матн яратилиши – маълум турдаги лисоний-мантқиқий жараёндир, шу сабабли унинг процессуал босқичини ҳам эътиборга олиш лозим. Олим математиканинг мавҳум вақт оралиғидаги фаолият (Verlaufscharakter) эканлигини ва бу фаолият шахсларнинг маълум коммуникатив вазиятдаги муносабати бўлишини таъкидлайди. Шунинг учун ёзма матн учун нафақат графика тараққиёти (ёзув жараёни), балки муаллиф, ўқувчи ҳам муҳимдир. Чунки муаллиф ва ўқувчи, худди матннинг ўзи сингари, маълум ижтимоий муҳитда мавжуд бўладилар.

Айтилганлардан келиб чиқиб, матн фаолияти иштирокчилари муносабатларини қуйидагича белгилаш мумкин: TS_1 (муаллиф), T (матн), TS_2 (ўқувчи ёки тингловчи), S_1 (ахборот узатувчи), S_2 (ахборотни қабул қилувчи):

1) яратувчининг муносабати (Produktionsrelation P_1):

$$P_1 - R(S_1, T);$$

2) мақсад (интенция) муносабати (Projectionsrelation P_2):

$$P_2 - R(TS_1^2, TS_2);$$

3) умумий комплекс муносабат (Komplexrelation P_3):

$$P_3 - R(TS_2, T).$$

Айни шу уч хилдаги муносабатлар матн бажарадиган коммуникатив жараённи ташкил қилади ва бу жараён қуйидаги формулада ифода топади:

$$P_1, P_2, P_3 \rightarrow \text{матн}.$$

Жамият ва матн тушунчаларининг P_1 туридаги муносабатлар билан мустаҳкам алоқасини инобатга олиб, интенция муносабати формуласини аниқлаштириш мумкин:

$$P_2^1 - R(P_1, TS_2).$$

Демак, яратувчанлик муносабатлари матн субъекти бўлган жамият ва матн ўртасидаги оралиқ босқичдир.

Матн яратилиши ва унинг идрок (қабул) қилиниши ўртасидаги муносабат ҳам эътиборга лойиқдир. Матн T_1 яратилишида олдиндан шакллантирилган материал T_0 асос бўлади. Унда матн яратилиши формуласи: $TS_1(T_0 - T_1)$. T_1 матнини қабул қилаётган адресат ўз T_2 матнини яратади. Матнни қабул қилиш формуласи: $TS_2(T_1 \rightarrow T_2)$.

Шундай қилиб, матн яратилиши ва қабул қилиниши жараёнларининг узвийлиги ва ушбу формулаларнинг структура жиҳатидан яқинлиги таъкидланади: T_2 T_1 дан фарқ қилади, демак матннинг идрок қилиниши унинг яратилиш жараёнидан нисбатан тартиблашганлиги билан фарқ қилади.

Ушбу икки жараён учун умумий бўлган қуйидаги структуравий қисмлар (амаллар) мавжуд:

- 1) Қўлланиладиган материал жамланиши (репродуктив босқич), яъни тагматннинг яратилиши;
- 2) Тагматннинг қайта тақсимоти ва тизимлаштирилиши босқичи;
- 3) Тагматннинг ҳақиқий матнга ўтказиш учун лозим бўлган метаматннинг пайдо бўлиши.

Хуллас, ахборотни яратиш ва узатишнинг асосий воситаси бўлган тил тизимининг таҳлили индивид ва жамоа фаолиятини, инсон тафаккур қобилятини тадқиқ қилишнинг муҳим қисмидир (воситасидир).

Информатика тараққиёти тилшунослик ва айниқса инженер тилшунослиги фанларидан матн фаолиятини акс эттирувчи алгоритмларини яратишни талаб қилмоқда. Бу алгоритмлар жамланмаси матнлар таркибида мавжуд бўлган ахборотни тез суръатда жамлаш ва қайта ишлаш имконини бериши керак.

Математик моделлар қўйилган мақсад ва вазифадаги фарққа нисбатан икки турга ажратиладилар: 1) идеал (рамзий) модел, унинг мақсади лисоний ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини изчил аниқлаш ва имкон борича тилнинг олдин маълум бўлмаган хусусиятларини ажратиш; 2) қайта яратувчи (инженер - лингвистик) моделлар, бунда лисоний объектларни таҳлил қилиш билан бир қаторда қайта яратиш муаммоси ҳам назарда тутилади.

Табиий тил белгиларини ва математик белгилар тизимини қиёслаш ҳамда уларнинг ахборот ташиш имкониятларини моделлаштириш назарияси нуқтаи назаридан ўрганиш математик усулларни лисоний таҳлил шароитига тадбиқ қилишда бир қатор методологик тўсиқлар учрашидан гувоҳлик беради. Бу тўсиқларнинг мавжудлиги қуйидагилар билан боғлиқдир:

- 1) лисоний объектларнинг давомий аморфик ҳолати ва математик моделлаштирувчи воситаларнинг аниқлиги ўртасидаги қарама-қаршилик;
- 2) лисоний белгининг маъно жиҳатидан бойлиги ва математик белгилар маъносининг чегараланганлиги.

Шу сабабли ҳозирги пайтда таклиф қилинаётган математик моделларда тил тизимини тўлиғича қамраб олиш мақсади кўзланмайди, улар алоҳида олинган лисоний ҳодисалар ва улар ташкил қиладиган маълум тизимларни акс эттириш учун мўлжалланганлар.

Режалаштирилаётган мақсад ва вазифалари фарқига нисбатан лисоний структураларни математик моделлаштиришнинг икки асосий маҳсулдор

йўналишини ажратиш мумкин. Булардан биринчиси математиканинг сонсиз соҳалари бўлган тўплам кабиларга асосланади ва бу йўналиш алгебраик тилшунослик номини олган (Н. Хомскийнинг генератив грамматик назарияси, С. Маркус ва И.И. Ревзинларнинг назарий-тўплам моделлари ва бошқалар). Иккинчи йўналиш эҳтимолли статистика тилшунослиги (Н.Д. Андреев, П.М. Алексеев, Р.Г. Пиотровский С. Ризаев ва бошқалар) бўлиб, унда эҳтимоллик назарияси ва математик статистика методларидан фойдаланилади.

Статистик таҳлилнинг асосий мақсади лисоний бирликларнинг умумий тизимий характерини, хусусиятларини ўрганишдир. Алоҳида олинган гуруҳлар тил тизимининг барча таркибий қисмларига хос белгиларини намоён қилиши мумкинлиги ушбу гуруҳларни эҳтимоллик назарияси методлари асосида таҳлил қилиш йўли билан исботланади.

5.3. Матнларни автоматик таҳрир қилиш дастури.

Шундай дастур ҳам борки, у муайян матндаги ҳар бир абзацни таҳлил қилади: асосий саволларни қўяди, ўзи жавоб беради. Boris – дарак гапли матнларни чуқур тушунишга мўлжалланган амалий тизим. Матнларни чуқурроқ тушуниб, унинг саволларига жавоб берувчи тажрибавий дастур. У билимлар манбаига асосланиб ишлайди. Фақат мазмунни эмас, матндаги барча дарак гапларни таҳлил қилади. Намуна тариқасида мисолларга мурожаат қиламиз.

Биринчи абзацни қайта ишлаш:

Бир аёл аэропортда самолёт учишини кутарди. Аммо ҳали эрта эди. Бекор ўтиришни ёқтирмаган аёл дўкондан битта китоб ва печенье сотиб олди. Бўш курсилардан бирига ўтириб, китобини ўқий бошлади. Китобни берилиб ўқир экан, ногоҳ ёнида ўтирган одам печеньеесидан олишга журъат қилаётганини сезиб қолди. Аммо биргина печенье учун бетакаллуфлик қилгиси келмади.

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

- *Ким аэропортда самолёт учишини кутарди?*
- Бир аёл.
- *Аёл дўкондан нималар сотиб олди?*
- Битта китоб ва печенье.
- *Аёл китобни ўқийётганида ёнида ўтирган одам нима қилди?*
- Аёлнинг печеньеесидан олишга журъат этди.

Иккинчи абзацни қайта ишлаш:

Дам-бадам у ҳам соатга қараб қўярди. Китоб ўқиб, биттадан печеньеени ўғринча олаётган одамга кўз қирини ташлар экан, асабийлашмасликка уринарди. Печенье ўғрисига эътибор бермасликка ва соат миллари юришини кузатиб, унинг чиққиллашини эшитишга ҳаракат қиларди. Ўзига ўзи: “Агар

маданиятли бўлмаганимда, шу одамнинг кўзларини кўкартирардим”, – деб кўйди. Ҳар гал печенье оламан, деганида ёнидаги одам ҳам кўлини узатарди. Охири пакетда битта печенье қолгач, “Қани энди нима қиласан?”, – деди ичида. Одам истеҳзоли кулимсираб, охирги печенье оиди ва иккига бўлиб, ярмини оғзига солди; ярмини эса аёлга узатди. Аёл иддао билан печенье олар экан, “Бу қандай безбетлик! Бунчалар кўпол бўлмаса, бу одам. Бир оғиз раҳмат ҳам демади!” – деб гапириб кетди ўз-ўзига.

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

- *Аёл дам-бадам нима қиларди?*
- Соатга қараб кўярди.
- *Ким “Агар маданиятли бўлмаганимда, шу одамнинг кўзларини кўкартирардим”, деб айтади?*
- Аёл ўзига-ўзи.
- *Пакетда бита печенье қолгач, аёл ичида нима деди?*
- Қани энди нима қиласан?
- *Печенье олаётган одам қандай ҳаракат қилди?*
- Охирги печенье оиди иккига бўлиб, ярмини оғзига солиб, ярмини аёлга берди.

Учинчи абзаци қайта ишлаш:

Аёл ҳеч қачон бундай асабийлашмаганди. Самолётнинг учиш вақти етгач, чуқур тин оиди. Юкларини олиб, эшик томон юрди. “Печенье ўғриси”га қайрилиб ҳам қарамади. Самолётга чиқди ва ўрнига жойлашди. “Печенье ўғриси”дан қутулганига шукр қилди. Бироқ, унинг адабини бермаганига афсусланди. “Жаноб, – дейиши керак эди у. – Шукр қилинг, сиздек сурбет эмасман. Акс ҳолда юзингизга шапалоқ туширган бўлардим. Аммо, сиз қилган иш расман ўғрилиқ саналади. Печене ўғрилиги... Билдингизми?!”

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

- *Аёл самолётнинг учиш вақти келгач нима қилди?*
- Чуқур тин оиди.
- *Аёл нимага шукр қилди?*
- Печенье ўғрисидан қутулганига.
- *Нимага афсусланди?*
- Унинг адабини бермаганига.

Тўртинчи абзаци қайта ишлаш:

Шуларни хаёл қилиб, кўлини сумкага узатди. Чала қолган китобини олиб ўқимоқчи бўлди. Аммо, не кўз билан кўрсинки, дўкондан сотиб олган бир пакет печенье оиди унинг сумкасида турарди. Бир оғиз ҳам гапирмай, энг охирги печенье оиди ҳам у билан баҳам кўрган одамдан бориб узр сўрашга

энди кеч эди... “Кўпол ва журъатли печенье ўғриси”нинг самолёти осмонга кўтарилди...

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

- *Аёлнинг сумкасида нима бор эди?*
- *Дўкандан сотиб олган бир пакет печеньеси.*
- *Кимнинг самолёти осмонга кўтарилди?*
- *“Кўпол ва журъатли печене ўғрисининг”.*

Юқоридаги матнни қуйидагича системалаштириш мумкин:
МЕТАКОР(сабаб занжири): Ўғрилиқ

- PTRANS(маълум бир объектнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши): Самолётнинг учиши;
- ATRANS(маълум бир шахснинг муайян нарсага эга бўлиши, назорат қилиши): Аёлнинг юқларига эгалик қилиши;
- ATTEND (воқеаларга туртки бўлган ҳолат): Печенье сотиб олиниши;

PROPEL (маълум нарсага эришиш учун ҳаракат қилиш): Сумкадан китобнинг олиниши.

АТВ(аффектив мазмунли блоклар, инсоннинг психологик ҳолати):

1. Асабийлашиш.
2. Шукр қилиш.
3. Афсусланиш.
4. Кулимсираш.⁹

Хулоса қилиб айтганда, Boris тизимини такомиллаштириш компьютер лингвистикасининг истиқболларидан бири бўлиб, матн мазмунини ўзлаштиришдаги юқори самарадорлиги билан аҳамиятлидир.

6-мавзу. Ўзбек тилини ўқитиш дарсларида фанлараро интеграциядан фойдаланиш.

Режа:

6.1.Синтагматик муносабатлар талқини

6.2.Аниқ фанлар назариясининг лисоний ҳодисалар таҳлилига татбиқ этилиши.

Таянч тушунчала: интеграция, синтагматик гуруҳлар, деривация, инфинитив феъл, герундий феъли, анафорик референт.

6.1.Синтагматик муносабатлар талқини.

Америка тилшунослик мактабининг синтаксис назарияси билан

⁹Abduhamidova L.Tilshunolsikning yangi yo'nalishlari: kompyuter lingvistikasi.-T.,2015.

шуғулланувчи вакиллари ҳар қандай лисоний шакл ўзгаришлари, сўзсиз, маъно ўзгаришига олиб келади деб ҳисоблайдилар. Улар ҳатто узок даврдан буён инглиз тили грамматикасида ҳукмрон бўлган *it, that, there* каби бирликлар фақатгина грамматик мазмунга эга деган фикрни ҳам инкор этишади ва ҳар қандай сўз ёки лисоний тузилма семантик жиҳатдан таҳлил қилиниши лозимлигини уқтиришади. Уларнинг эътирофича, лисоний маънога нафақат воқеа, ҳодисалар ҳақида хабар берувчи тузилмалар, балки сўзловчининг нутқий вазиятдаги ўрни, мулоқот иштирокчилари ўртасидаги муносабат, етказилаётган хабар ҳақидаги фикр кабиларга ҳам эгадирлар. Бундан ташқари, Ҳарвард университетининг профессори Дуайт Болинжер шаклан турли, лекин мазмунан бир хил бўлиши мумкин бўлган лисоний ҳодисаларни санаб ўтади. Булар қуйидагилар: нисбат шакллари трансформаси, *that* ёки (ва) *which* элементли гаплар; *refuse* «инкор қилмоқ», *remember, recall* «эсламоқ» каби феълларнинг инфинитив ва герундий тузилмалари; *someone* ва *somebody* «бирор киши» туридаги бирликларнинг фарқи; *remind* «эслатмоқ» феълининг маънолари фарқи («бирор кишини эслатмоқ» ва «бирор кимни эсламоқ») кабилар. Болинжернинг фикрича, ушбу ҳолатларда мавжуд бўлган семантик фарқларни айрим тадқиқотчиларнинг сезмаслигининг сабаби «қобилият» ва «нутқий ижро» тушунчаларининг аралаштириб юборилишидир.

Олимнинг фикрича, *any* «ҳар қандай» ва *some* «бирор бир» элементли синтактик тузилмаларнинг маъно жиҳатидан фарқи нафақат пресуппозиция, феъллар, луғавий инвариантлик ҳодисалари билан боғлиқ, балки уларнинг хусусий маъносидаги фарқдир. У *any* ва *some* автоном бирликларининг маъновий фарқини уларнинг турли жавобларни талаб қилувчи сўроқ гапларда қўлланишида намоён бўлишида кўради. *Some* кўпроқ тасдиқ маъносидаги жавоб кутилганда ишлатилса, *any* инкор жавобни танлайди. Албатта, бу фикрда бошқа олимларнинг таъсири ҳам сезилиб туради: ушбу сўзлар ўртасидаги маъновий фарқнинг шаклланишида сўз урғусининг ҳам роли мавжуд. Айрим тадқиқотчилар *any* ва *some* элементларини тасдиқ ва инкор учун грамматик жиҳатдан бефарқ бирликлар қаторига ҳам киритишади.

Гапнинг маъновий ва синтактик деривацияси таҳлили учун инкорнинг ўнг ёки чапга силжиши (*negative left or right shifting*) масаласи муҳимдир. Ўзаро боғланган шакл элементларидан бирининг инкори маълум мантиқий шароитда бу элементларнинг иккаласининг ҳам инкор этилишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли инкор шакли уларнинг қайсига бирикиши бефарқдир. Худди шу ҳодиса инкорнинг чапга силжиши ҳолатларига диққатни жалб қилди. Аммо инкорнинг силжиши учрайдиган гаплар турлари қиёсланганда, бу силжиш кўпинча ўнгга қараб йўналиши аниқ бўлди.

Шундай қилиб, *not any* ва *no* элементларининг ўрин алмашиш имкониятлари ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

1. *Not any* (*neg... any*) қатор «очик» имкониятларнинг инкор этилишидир; *no* (= *Alf... no*) олдинги инкорнинг тасдиғидир;

2. Демак, *no* мантиқан тасдиқ гапларда қўлланилади ва бу ҳолда гапнинг

бирор бир қисми инкор қилинади ва бу қисм бутун бир гуруҳдан ёки алоҳида бўлакдан иборат бўлади (Қиёсланг: They were (busy) eating nothing «улар ҳеч нарса емаётган эдилар»; He took a bath with no soap «у ҳеч қандай совунсиз ювинди»);

3. Бундан ташқари, no инкор юкламаси мантиқан инкор гапларда қўлланилади ва бу ҳолда феълнинг тасдиқ маъноси сўзловчи томонидан қатъий таъкидланади;

4. Таркибида no инкор юкламаси бўлган гаплар мазмунида сўзловчи учун аллақачон маълум бўлган фактларга ишора бор;

5. Шу сабабли бўлса керакки, no гаплари таркибида мавҳум ва умумлашган отлар, кўплик сон шакллари учрайди, конкрет отлар ва бирлик шаклларининг қўлланиш миқдори нисбатан кам;

6. Ташқи инкор мазмуни мавжуд бўлган ҳолда nothing «ҳеч нарса», nowhere «ҳеч қаерда», nobody «ҳеч ким», nothing of the sort «ҳеч қандай нарса» каби ноаниқ олмошлари ва your old man «сенинг қари чолинг» туридаги камситиш иборалари гап синтактик қурилишида муҳим вазифа ўтай бошлайдилар ҳамда асосий урғуни олувчи ўринни эгаллайдилар;

7. No юкламасининг мантиқан асосий феълни инкор этишига ҳалақит берувчи синтактик тўсиқлар бор, аммо «формал» инкор усули ушбу тўсиқларни бартараф этиш имконини беради;

8. Not any бирикмасидаги not юкламаси феъл билан бирикишга интилади ва бу ҳолда инкор юкламасининг гап таркибида қўлланиш қоидаларига амал қилинади (contraction and position roles).

Синтактик қурилмаларнинг семантик талқини уларнинг лисоний табиатини аниқлаш учун қанчалик муҳим эканлигини It is hard to say «айтиш қийин», It is hot down here «бу ер иссиқ» каби қурилмалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу гаплардаги it олмоши оддийгина бирор бир грамматик ўринни эгаллаб қолмасдан, балки маълум мазмунга ҳам эга. Буни аниқлаш учун it қўлланилган тузилмаларни, у иштирок этмайдиган тузилмалар билан қиёслаш лозим. Одатда, it олмоши анафорик референтга (худди she, they олмошлари каби) эга бўлади. Анафорик it олдиндан маълум бўлган фактга ишора қилади ва инкор мазмуни ифодаланилаётганда, it олдин тасдиқланган ахборотга ишора қилади.

Фактив феъллар иштирокидаги гапларни таҳрир қилган Болинжер ушбу гапларда it референтга эга, деб ҳисоблайди. Шунинг билан биргаликда understand «тушунмоқ», doubt «шубҳа қилмоқ» каби нофактив ва love «севмоқ», hate «нафратланмоқ», admire «мафтун бўлмоқ» каби ҳис-ҳаяжон феъллари билан it олмошининг боғланиши олдиндан маълум хабар ёки ҳис этилган туйғу ҳақида сўз юритиш билан боғлиқ. Бундан ташқари, Болинжер it олмошининг «ишонтириш» маъносидаги айрим феъллар билан фақат ўтган ёки келаси замон шаклидаги тузилмаларда бирикишини ҳам таъкидлайди. Бўлакларга ажралган гаплар (cleft sentences) таркибида эса it средний род оти ва артикль бирикмаси ўрнини олади.

Шунингдек, таркибида there элементи мавжуд бўлган гапларнинг мазмуний хусусиятлари ҳам ўзига хосдир. Ушбу элемент локатив (ўрин)

маъносига эга бўлиш билан бир қаторда, нолокатив мазмунни (айниқса, there is бирикмасида) ифодалайди. Умуман, there нинг маъносини аниқлаш учун матнга мурожаат қилиш лозим бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам there бирлигининг қўлланиши унинг асосий маъноси – локативлик билан боғлиқдир.

Гап структурасининг таркибий қисмлари таҳлили ўзаро ўрин алмашиш имкониятига эга бўлган элементларнинг (масалан, инфинитив тўлдирувчи ва that - clause) мазмунидаги фарқини аниқлайди. Фараз қилинишича, гап алоҳида қисмининг маъноси тўлиқ гап маъносига мос келиши лозим ва фақат шундагина киритма тузилмалар ҳосил бўлади. Масалан, I believe the report «Мен хабарга ишонаман»= the report is true «хабар тўғри»--- I believe the report to be true «Мен хабарнинг тўғри эканлигига ишонаман». Лекин I believe George «Мен Жоржга ишонаман» гапи Georg is ready «Жорж тайёр» тузилмасига мос келмайди ва шу сабабли I believe George to be ready («Мен Жоржнинг тайёр бўлишига ишонаман») гапи юқоридагиларнинг ҳосиласи эмас.

Гаплар мантиқий ва мазмуний жиҳатдан мос келмаслигининг тўрт асосий шарти ажратилади:

1. Мантиқан мос келмаслик;
2. Қарама-қарши фикрлар ифодаси;
3. От ва предикат семантикасининг мос келмаслиги;
4. Нутқий мулоқот муҳити.

Бу шартлар асосидаги таҳлил гап маъносини фақатгина ботиний структурага таянган ҳолда тавсифлаш мумкин эмаслигидан дарак беради.

Гап синтаксиси таҳлиliga мазмун нуқтаи назаридан ёндашувнинг самарасини инфинитив аниқловчи вазифасини бажарувчи гаплар мисолида ҳам кўриш мумкин. Одатда, He`s noble to suffer (у изтироб чекиш учун ўта олижаноб, яъни «у олижаноб одам ва изтироб чекмаслиги керак») ва It is noble of him to suffer («изтироб чекмоқ унинг олижаноблигидир») кабилидаги гапларни маъно жиҳатидан муқобил ҳисоблашади, аммо ушбу фикрни инкор этиш имкони бор. Масалан, қуйидаги уч гапни қиёслайлик:

1. It was foolish for Mary to go there «Меренинг у ерга бориши ахлоқлик эди»;
2. It was foolish of Mary to go there;
3. Mary is foolish to go there.

Бу гапларда foolish сифати грамматик жиҳатдан нимани аниқляпти: шахсними ёки ҳаракатними?

Биринчи гапда It is for Mary to go there пропозицияси аниқланмоқда ва шу сабабли ҳаракатни аниқловчи сифатларнинг (lucky, beneficial) қўлланиши маъқулроқ. Учинчи гапда Mary бўлагига аниқланмоқда ва шахсни аниқловчи сифатлар (sensibly, unwise кабилар) ишлатилиши мумкин.

Иккинчи гапдаги «сифат + от тузилмаси» икки хил хусусиятга эга: а) гап шахс ҳақида кетаётганда, ҳаракатни аниқловчи сифатнинг қўлланиши мумкин эмас; б) гап ҳаракат ҳақида бўлса, аксинча, шахсни тавсифловчи сифатлар қўлланилмайди; в) шунинг билан биргаликда, шахс ва ҳаракатни

бир хилда аниқлаш қобилиятига эга бўлган сифатлар гуруҳи ҳам мавжуд.

Учинчи гапдаги инфинитив (to go) ва сифатнинг (foolish) муносабатига келсак, бу ерда икки қарама-қарши тузилманинг ўзаро бир-бирига сингиб кетишига гувоҳ бўламиз: биринчисида инфинитив тўлдирувчи вазифасини бажаради (ва to go мақсад маъносини ифодалайди), иккинчисида эса, инфинитив шарт, тобелик маъносини ифодалайди. Ушбу тузилмаларда сифат қарама-қаршилиқни шакллантирувчи воситага айланади. Худди шу ўринда ишлатиладиган that – clause яъни эргаш гап эса тўлдирувчи вазифасини ўтайди ва асосий пропозициянинг мақсадига ишора қилади.

Болинжер таълимотининг асосида турган семантик-синтаксис таҳлили турли мураккабликдаги муаммолар ечимини излаш имконини беради. Шу жумладан, инфинитивнинг буйруқ шаклида қўлланиш ҳодисасини ҳам. Масалан, Ж.Катц ва П.Постал Eat the meat «Гўшти энг» ва You will eat the meat «Гўшти ейсан» бир хилда буйруқни ифодаловчи гаплар, деб ҳисоблайдилар. Болинжер эса императив қаторида турли маънодаги нутқий ҳаракатлар (масалан, шарт, истак, умид, маслаҳат, таклиф қабилар) ижро этилишини инобатга олиб, уларни умумий бир ҳодиса сифатида талқин қилиш чалқашликларга сабаб бўлишини уқтиради.

Синтагматик гуруҳлар нафақат сўз шакллари, балки синтактик ва вазифавий жиҳатдан бириккан сўз ва моҳиятига эга бўлган бўлақларини ҳам қамраб олади. Масалан, юқори босқичлардаги гуруҳларга оддий гап бўлақларидан ташқари ушбу гап бўлақлари вазифасини ўтовчи синтактик қурилмалар ҳам қирадилар. Булар, масалан, сифатдош ва равишдош бирикмалари, эргаш гаплардир.

Юқори босқичдаги синфлардан тузилган моделлар парадигматик синфлар моделларидан оддийроқ, чунки биринчилари фақатгина синтактик тузилишни акс эттирадилар. Агарда, масалан, атрибутив синтагмаларда аниқловчи - Σ суперсинфига, аниқланмиш эса N суперсинфига кирса, унда ҳар қандай атрибутив тузилма бир структурада ифода топиши мумкин:

ΣN

Синтагматик синфларга нафақат оддий гаплар тузилишини тавсифлашда, балки бошқа предикатив хусусиятдаги мураккаб синтактик тузилмаларнинг моделини ажратиш мақсадида ҳам мурожаат қилишга тўғри келади, шу сабабли у ёки бу моделни тўлдирувчи суперсинфлар қатъий табақали даражаларга эга бўладилар.

Энг йирик синтактик тузилмалар модели биринчи даражали суперсинфлардан иборат бўлади. Уларнинг таҳлили натижасида биз иккинчи даражали суперсинфларни (яъни мураккаб синтактик тузилмаларни) ажратамиз ва кейинги синфлар таҳлили учинчи даражадагиларини ажратиш имконини беради. Бу йўсиндаги таҳлил фақатгина парадигматик синфлардан иборат бўлган энг кичик тузилмалар ажратилганига қадар давом этаверади.

Айтилганларни изоҳловчи мисолни келтирамиз. Қуйидаги матн берилган:

Кичкина бола китоб ўқияпти.

У ҳузур билан саҳифаларни варақляпти.

Бу бола тез ўқийди.

Боланинг онаси у билан фахрланади.

Синтактик бирликлар тўпламининг 1 – даражадаги суперсинфларда акс этиши келтирилган мисоллар намунаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{array}{cccc} \Sigma & \Delta & \Psi & \Theta \\ \Delta & \Omega & \Psi & \Theta \\ \Sigma & \Delta & \Omega & \Theta \\ \Sigma & \Delta & \Omega & \Theta \end{array}$$

Бу ерда Δ - алоҳида гапнинг эгаси; Θ - кесим; Σ - суперсинф Δ билан мослашган аниқловчи; Ψ – суперсинф Θ нинг тўлдирувчиси; Ω - суперсинф Θ билан боғланган ҳол.

Эквивалентлик жиҳатидан мос келадиган суперсинфларни қатор қўйиб ва бўлақларнинг ихтиёрий эканлигини эътиборга олган ҳолда гапнинг қуйидаги моделини ҳосил қиламиз:

$$\boxed{(\Sigma) \quad \Delta} \quad \Theta \quad \rightarrow \quad \boxed{(\Omega) \quad \begin{array}{c} \Psi \\ \Omega \end{array}} \quad \Theta \quad I$$

Ушбу модел жуда оддий. Асл матнларда мураккаброқ гаплар учрайди ва уларнинг модели анча мураккаб бўлиши табиий. Бинобарин, бадиий матндан олинган гаплар модели қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

$$\begin{array}{ccc} (\Sigma) & \left(\begin{array}{c} \Delta \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot C) \end{array} \right) & \left(\begin{array}{c} \Xi \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot C) \\ \Sigma \end{array} \right) \\ & \downarrow & \\ \left(\begin{array}{c} \Omega \\ \Pi \cdot e \\ \Pi \cdot c \\ \Psi \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot c) \end{array} \right) & \left(\begin{array}{c} \Omega \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot c) \\ \Psi \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot c) \end{array} \right) & \left(\begin{array}{c} \Omega \\ \Psi \end{array} \right) \quad (\Omega) \\ & \downarrow & \\ & \left(\begin{array}{c} \Theta \\ \downarrow \\ (\Pi \cdot e) \\ \Pi \cdot c \end{array} \right) & \end{array}$$

Бу матнда юқори доиранинг таркиби – эга гуруҳидир, пастдагисиники – кесим гуруҳи. Юқори доирасидан пастга кўрсатгич эга гуруҳининг кесим гуруҳидан олдинги ўринни эгаллашига ишора. II-даражадаги суперсинф I-даражадагига эргашади.

I-моделдаги эга ва тўлдирувчи от (N) ёки олмош (P_r) ва шунга нисбатан модел яна қайта изоҳ олади:

$$\Delta = \frac{N}{P_r}; \Psi = \frac{N}{P_r}.$$

Эганинг аниқловчиси сифат (a) ёки равиш (b) воситасида ифодаланади:

$$\Sigma = \frac{a}{b}$$

Ҳол равиш ёки предметли от билан ифодаланади:

$$\Omega = \frac{B}{C \cdot B}$$

Мураккаб моделларни ҳам шу йўсинда тавсифлаш имконияти бор.

6.2. Аниқ фанлар назариясининг лисоний ҳодисалар таҳлиliga татбиқ этилиши.

Тилшуносликда тўплам назарияси ёрдамида грамматик тавсиф ва таснифларни асослаш мумкин ҳамда шу усул воситасида грамматик тизимларни тиллараро қиёслаш имконияти кучаяди. Аммо ушбу назариядан нутқий бирикмаларнинг грамматик меъёрлар таъбига мос келиши ёки мос келмаслигини аниқлаб бўлмайди, чунки тўплам назарияси аксиомаларига таяниб (тажрибавий) хулосалар чиқариш қийин масаладир. Бундан ташқари, тўплам назариясида грамматик тизим акс топувчи лисоний ҳодисаларни кашф этиш имконига эга бўлган амаллар кам. Аммо шунинг билан бир қаторда, ушбу назария формал тизимнинг энг умумий хусусиятларини аниқ тасвирлаш, ёритиш мақсадида бажариладиган тадқиқотлар учун методик асос бўлади.

Тўплам назарияси амаллари таърифлари, тавсифлари қуйидагилардир:

Тўғри чизиқларнинг кесишиш нуқтаси $x \cap y = \{z' : z \in x \text{ ва } x \in z\}$; бу x ва y учун умумий бўлган элементлар тўпламини шакллантиради.

Бирикув $x' + y' = \{z' : z \in x' \text{ ёки } z' \in y'\}$; бу иккала тўпламда ҳам мавжуд бўлган элементлар бирикувини (тўпламини) шакллантиради.

Айрим $x \sim y = \{z : z \in x', \text{ лекин } z' \in y' \text{ эмас}\}$; y фақатгина биринчи тўпламда мавжуд бўлган элементлар тўпламини шакллантиради.

Айириш ҳолларда киритма муносабати \subseteq га ҳам мурожаат қилинади: $x \leq y$, фақатгина агар $x \cap y = x$ бўлса, «муносабат» ва «вазифа» тушунчалар тўплами назарияси учун муҳимдир ва бу тушунчаларни изоҳлаш мақсадида «тартиблашган жуфтлик» тушунчасига мурожаат қилинади: $\langle x, y \rangle = \{x, y\}$.

Навбатдаги таъриф r' тескари r' – муносабатни беради:

$$r' = \{ \langle z', y' \rangle : \langle y', z \rangle \in r \}.$$

x тўпламининг r га нисбатан образи жуфтликлар иккинчи элементларининг тўпламидир, ушбу жуфтларнинг биринчи элементи x га тегишли:

$$r'x = \{z : \text{қандайдир } y \text{ учун, } y \in x \text{ ва } \langle y, z \rangle \in r\}.$$

Лингвистик таҳлил учун зарур бўлган “кетма-кетлик” тушунчаси лисоний элементларни 1,2,3,... , a тўлиқ сонларга қиёсловчи функция

сифатида талқин қиланади.

Лисоний тадқиқотларда тўплам назариясига оид бўлмаган айрим махсус амалларнинг тадбиқ қилиниши ҳам етарли самара бериши мумкин. Масалан: Конкатенация $x \cdot y = x + 1 \{ < \beta, \underline{u} > : < \beta - (x) \text{ узунлиги}, \underline{u} \in y \}$.

Интерконкатенация $x \cdot y = \{ u \cap v : u \in x \vee v \in y \}$

Масалан: {bet, det, pet}. {-s, ed}={bets, dets, pets, beted, deted, peted}; бу амалга одатдаги кўпайтириш амалининг кўпгина хусусиятлари хосдир.

Даражага кўтариш: $x^0 = 1$

Ҳар бир $a \geq 0$ учун $x^{a+1} = (x^a \cdot x) + x^a$.

Бу амал узунликнинг барча кетма-кетликлари тўпламини ташкил қилади ва бу тўплам \underline{x} тўпламдаги элементлардан бўлган \underline{a} дан катта эмас;

$$(t, e)^2 = \{0, t, e, tt, te, et, ee\}.$$

Тилнинг тўплам назариясига асосланган таърифларидан бири куйидагича:

L тўплами \underline{x} га нисбатан тилдир, фақатгина ва фақатгина агар $L \leq x^\infty$ бўлса.

Тил тизимининг асосини грамматика ташкил қилади. Агарда Γ асл математик тавсиф бўлса, ΓL нинг грамматикаси бўлади.

Ҳар қандай грамматика ягона бир таърифга эга бўлишига қарамасдан, амалда у таърифлар қаторига эга бўлади ва улардан биринчиси содда бўлмаган элементларни тавсифлайди, кейингисида эса содда ва содда бўлмаган таърифлардан бир хилда фойдаланилади.

Юқорида айтилганларга асосланиб, грамматик қурилиш намуналарини кўриб чиқамиз.

Инглиз тилидаги The moss covers the cliff «Қояни мох (пўпанак) қоплаган», Some bog surrounds the cliff «Қояни ботқоқлик ўраган» сода гапларини тузиш учун уч от, иккита феъл ва иккита детерминатив (артикл - the ва олмош – some) луғавий birlikлари етарли.

IV. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Қуйидаги тушунчаларга таъриф беринг ва мисоллар келтиринг:

1. Табиий моделлар – бу
2. Математик моделлар – бу
3. Мантиқий-математик моделлар – бу
4. Компьютер моделлари – бу


Инглиз, рус тилларида содда гап қурилиши доир қуйидаги моделга мисоллар айтинг

$S + V + O$: $S ==$ эга, $O =$ тўлдирувчи, $V =$ кесим.

Ўзбек тилида содда гап қурилиши моделини айтинг ва мисоллар келтиринг.

2-кейс. Сўз туркумларини формаллаштириш. Гап бўлақларини формаллаштириш

Ўзбек тилидаги формаллаштиришга қуйидаги йўналишлар бўйича мисол келтиринг



3-кейс. Ўзбек тили грамматикасининг компьютер моделини яратишнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади.? *Фикрингизни асослаб беринг.*

4-кейс. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш дастурларини яратиш давр талаби эканлигини изоҳланг. *Автоматик таҳрир дастурининг ишлаш принципини тушунтиринг.*

5-кейс. Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таржима қилиш дастурларини яратиш давр талаби эканлигини изоҳланг. Таржимон дастурлар ҳақида маълумот беринг.


Автоматик таржима дастурининг ишлаш принципини тушунтиринг

6-кейс. Қуйидаги жадвалда берилган мисолларни давом эттиринг ва моделлаштиринг.

Шахс отларининг ясалиши		
терим	-чи	теримчи
	-кор	
	-шунос	
	-дор	
	-хўр	
	-паз	
	-боз	
	-бон	
Нарса- буюм отларининг ясалиши		
кура	-к	курак
	-қ	
	-оқ	
	-ла	
	-чоқ	
	-қи	
	-ги	
	-диқ	
Сифат ясалиши		
гул	-дор, -ли	гулдор, гулли
	-дон	
	-дор	
	-қи	
	-ги	
	-қоқ	
	-чоқ	
	-қ	

7-кейс.

Аксиоматик назария босқичларини кетма – кетликда изоҳланг ва ўзбек тилига доир мисолларда ҳар бирига 3 тадан мисол келтиринг



Теорема

Аксиома

Постулат

V. МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишни муайян модул хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги мавзулардан фойдаланиб тайёрлаш тавсия этилади:

- аксиоматик назария;
- тил грамматикасининг аксиомалари;
- сўз туркумлари ва гап бўлақларини моделлаштириш;
- ўзбек тили грамматикасини моделлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- компьютер лингвистикаси соҳаси билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
Абзац	хат боши
Аффикс	қўшимча
Арго (франс.)	ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифа (масалан, талабалар, спортчилар, ўғрилар)нинг ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат ясама тили.
Анализ	табиий тил хусусиятларини тушуниш учун компьютерда амалга ошириладиган морфологик, синтактик ва семантик таҳлил. <i>Морфологик анализ</i> морфемаларга ажратиш ҳамда грамматик маълумотлар таҳлилини ўз ичига олади.
Аналогия –	ўхшатиш, ўхшатма, ўхшашлик.
Ассимиляция	қатор келган нутқ товушларининг бир-бирига таъсир қилиб ўзига мослаштиришидир.
Аспект	Нуктаи назар, қараш (бирор нарсани, воқеани, ҳодисани текшириш, ёритиш ва ш.) Масалани турли аспектларда текширмоқ.
Аффет	/лот. <i>Аффетус</i> вазоҳат, қайғу/ - одамда жуда тез ва қисқа муддатда рўй берадиган кучли эмотсиал ҳолат бўлиб, у кўпинча одамдаги онгсиз мотивларга боғлиқ ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин.
Амалий тилшунослик	Тилшуносликнинг лингвистик масалаларни (мас., машина таржимасини) ҳал этишни ҳисобга олган ҳолда амалий йўл билан ўрганувчи соҳалари (экспериментал фонетика, лексикография, лингвостатистика каби).
Автоматик таҳрир	компьютер лингвистикасининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, компьютердаги матн муҳаррирлари (Мирософт Ворд, Эхел, Вордпад, Лехион) ривожланиши билан боғлиқ бўлган таҳрир жараёни. Автоматик таҳрир матндаги механик хатоларнинг автоматик тарзда тўғриланиши ва хато эканлиги ҳақидаги сигналларнинг userга таклиф этилиши кабилар билан боғлиқ.
Бевосита иштирокчилар (immediate constituents)	синтактик моделлар. Бевосита иштирокчилар методига мувофиқ таянч нукта конструкция ҳисобланади. Конструкция таркибидан иштирокчилар ва бевосита иштирокчилар ажратилади.
Бихевиористик ёндашув	мавжуд анъанавий ўқитиш тизимининг барча жабҳаларини эътиборга олувчи ўқитиш механизмлари, билимларни баҳолаш, шунингдек, лексик минимумлар бўйича билимни назорат қилишга

	йўналтирилган дастурий таъминотга асосланган ўқитиш тизими. Бунда бихевиоризмнинг «стимул-реакция-муштаҳкамлаш» формуласига асосланилади. Ўқитиш усуллари «стимул» (туртки) вазифасини бажаради, ўрганувчи бундан таъсирланади ва билимни муштаҳкамлайди.
Гешталтпсихология	<i>гешталт</i> —шакл, образ/ - Фарбий европадаги етакчи психологик ёъналиш бўлиб асосчилари тарафдорларининг асосий ғояси – психикадаги яхлитликни қидириб қатор соф психологик ҳодисалар моҳиятидан четлашди. Асосий ғояси – “ фигура ва фон ” ҳақидаги таълимотдир.
Глоттохронлогик метод	тил доимо ўсишда, ривожланишда бўлган динамик ҳодисадир. Ана шундай ўзгаришлар даврлар ўтиши билан йиғилиб, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади.
Дедукция <i>p+лот.</i>	Умумий ҳолатдан хусусий ҳолатга ўтиб муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш
Дистрибутив метод	(инглизча дистрибуция - тақсимот) ёрдамида тилдаги бирлик ва ва элементларнинг қўлланиш ўринлари ва ҳолати тушунилади.
Жаргон	бирор гуруҳ вакилларининг ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида ўзгача маънода қўллайдиган ўз ва иборалар.
Инновация	ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил янгиликлар яратиш ва тадбиқ этиш.
Интеллектуал система	билимлар базаси, масалани ечувчи тизим ва интеллектуал интерфейсларни ўз ичига олувчи тизим.
Квантитатив метод	лисоний тилларни белгилашда ва тилларни оилаларга бирлаштиришда квантитатив ва тарихий-генетик методлардан кенг фойдаланилади.
Контраст дистрибуция	гўё зидловни эслатади. Бир ўринда қўлланиб, маънони фарқлашга хизмат қилувчи элементлар контраст дистрибуция дейилади: ток-пок-нок сўзлари бошидаги ундошлар контраст дистрибуция бўлиб, шу сўзларни фарқлайди.
Компонент таҳлили методи	кўпроқ семантикада сўзларнинг маъноларини чуқурроқ ўрганишда қўлланади. Бунда сўзларнинг маънолари уларнинг фарқланувчи семантик белгилари – семалар ёрдамида таҳлил қилинади.
Когнитивизм	/лот. <i>огито</i> – фикр билан/ - фақат тафаккур қилиш йўли оламини билиш ғоясини илгари сурувчи

	йўналиш.
Майдон методи	лексик-семантик майдон ёки грамматик-лексик майдон ¹⁰ ва баъзан майдон назарияси.
Метод	ҳар бир фан учун хусусий ва барча фанлар учун умумий бўлган (масалан, қиёслаш методи), манбаларни тўплаш ва тасниф қилиш, улардаги энг асосий хусусиятларни ўрганиш учун тилдаги барча бирликлар, сатҳлар ва ривожланиш жараёнларини, ўзгаришларни билиш ва аниқлаш учун қўлланадиган услуб ва йўллар мажмуидир.
Методология	(грекча <i>methodos</i> - билиш йўллари, илми) қандай назария ва принтсиплар асосида илмий тадқиқ қилиш пойдеворини яратишдир.
Методика	илмий метод натижасида аниқланганларни амалда тадбиқ этишдир. Шу мазмунда хорижий тилларга ўргатиш ҳам ўз методикасига эга. Уларни интерактив методика, таржима воситасида тилга ўргатиш методикаси деб аталади.
Модел (лот. <i>modelus</i> “нусха”, “андаза”, “ўлчов”, “меъёр”)	муайян оригинал-объектнинг ҳосиласи, моддий қурилма, график, схема, умуман, билиш воситаси. Модел табиий объектларнинг имитатсиясидир (оъхшаши, тақлидий коъриниши), у оъзбек тилидаги қолип, андаза соъзларига мос келади. Масалан, <i>глобус</i> ернинг модели, <i>оъйинчоқ машина</i> ҳақиқий машинанинг модели.
Моделлаштириш	барча фанлар учун хос боълган умумилмий метод.
Муаммо	назарий билиш шаклларида бири бўлиб, ҳали ўрганилмаган, лекин ўрганилиши лозим масалани ўз ичига олади.
Лингвистик универсалия	барча тилларга ёки дунё тилларининг мутлақ кўпчилик қисмига хос умумий қонуниятлар
Нейрон тармоқлар	инсон миясидаги нейронлар модели асосида яратилган, сунъий интеллектнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган тизим
Неологизм (юн.)	янги ўз, иборалар. Неологизмлар – тараққиётни жадаллаштиришга алоқадор тушунчаларни белгилаш мақсадида яратилган янги, ҳали ўзлашиб кетмаган ўзлардир.
Назарий билиш методлари	<i>мавҳумийлик, расмийлаштириш, компьютерда моделлаштириш</i> ва шу кабилар.

¹⁰ Гулыга Е.В., Шендельс Е.Н. Грамматико-лексические поля в немецком языке. М., 1968, -с. 5-17.

Перцепция	/лот. <i>percepti</i> – идрок қилиш / - туб маънода ҳам шахснинг идрок жараёни назарда тутилади.
Прогрессив ассимиляция	айтди-айтти, юракга-юракка.
Регрессив ассимиляция	йигитча-йигичча, тузсиз-туссиз.
Синтез	компьютерда матннинг грамматик шакллантирилиши ва генератсияси (ҳосил қилиниши). <i>Морфологик синтез</i> матнга автоматик ишлов бериш жараёнида ёки унинг сўнгги босқичида (натижаларни инсон ҳукмига ҳавола қилишда) сўзларнинг турли шакллари чикариш, анализ натижаларини умумлаштириш иборат.
Слот	фреймни ташкил этувчи қисмлар. Слотларда объектларга хос белгилар маъноси қайд этилган бўлади.
Тавсифий метод	тилшуносликдаги энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса, у тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга.
Тавсиф қилиш методи	тилдаги турли ҳодиса ва маълумотларни, унинг сатҳи ва бирликларини изоҳлаб беради. Бу метод ёрдамида турли тилларнинг фонетика ва стилистикаси шарҳлаб берилди.
Тарихий-генетик (генеологик) метод	тилларнинг фонетик, лексик-грамматик бирликларини қиёслаб, уларнинг ўхшаш белгиларини аниқлаш асосида муайян тил оилаларига бирлаштириб ўрганиш тарихий-генетик метод ҳисобланади.
Трансформация методи	тилдаги элементлар ва бирликларнинг турли гапларда бошқача йўл билан қайта тузишда қўлланилади. Трансформациянинг синтаксисдаги элементларни ўзгартиришда қўлланиувчи оддий турлари: ўрин алмаштириш, қўшиш, қисқартириш ва тушириб қолдиришдир.
Флектив тиллар	ўзак морфема ва аффиксал морфема чегарасини ажратиш қийин бўлган тиллар.
Формал грамматика	муайян шакллар ёрдамида сунъий тил белгилари орқали ифодаланган грамматик қоидалар мажмуи.
Фрейм (инглизча <i>frame</i>– “каркас”, “рамка”, “скелет”)	билимлар структурасига оид таянч тушунчалардан бири, сунъий интеллект тизимида билимларни, стереотип (жуда кўп кузатиладиган, типик) вазиятларни гавдалантиришнинг бир усули. Фреймга моделлаштирилаётган ҳодиса, вазият ва жараёнларни умумлаштирилган ҳолда

	жойлаштириш мумкин. Фрейм турлари: фрейм-намуналар, фрейм-структуралар, фрейм-роллер, фрейм-сценарийлар, фрейм-вазиятлар.
Фрейм-сценарий	баъзи ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг характерли жиҳатларини ўз ичига олган типик структуралар ҳамда вазиятларнинг ривожланиши, кетма-кетлиги (алгоритмик босқичлари).
Экспериментал фонетика	нутқ товушлари артикуляциясидаги ҳаво тебраниши, тебраниш миқдори сарфланган вақт, обертон қандай юзага чиқиши кабилар маълум техник аппаратлар воситасида аниқланади ва шу асосда фонетик қонуниятлар бўғин, урғу, интонацион хусусиятлар аниқланади.

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. То‘xliyev В.. Adabiyot o‘qitish metodikasi. Toshkent, Yangi asr avlodi , 2006.
2. Niyozmetova R.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘zbek adabiyotini o‘rganish metodikasi. Toshkent, Fan, 2007.
3. Mirqosimova. M.O‘quvchilarda adabiy tahlil malakasini shakllantirish va takomillashtirish asoslari. Toshkent, Fan, 2006..
4. Загвезинский. В.И.Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990
5. Сластинин.В.А.Кедымова., Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность.-М.,1997.
6. Абдуллаева. К. Янги педагогик технологиялар. “Бошланғич таълим”.-№4.- Тошкент, 1999.
7. Сайидиахмедов. Н .Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия,2003.
- 8.Алимова Г., Арипова З. Инновация. “Biznes-ekspert”. 2012 йил 15 февраль.
9. Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: Фан, 2007
10. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
11. То‘xliyev В., Shamsiyeva М., Ziyodova Т. О‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – Т., 2006
12. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б

Интернет ресурслари (сайтлари)

- 1.<http://bitcoin.org>. >innovation
2. <http://ru.m.wikipedia.org/wiki/un>
3. www.literature.uz
4. www.genhis.philol.ru
5. www.library.ziyonet.uz
6. www.lingvo-online.ru

7. www.globalterminology.com
8. www.basiccomputerterminology.com
9. www.tilde.com
10. www.oxfordhandbooks.com
11. www.tdpu.uz
12. www.pedagog.uz
13. www.edu.uz
14. [tdpu-INTRANET. Ped](#)
15. www.bbc.com/russian/learning_english
16. <http://www.native-english.ru/articles/study-abroad>